

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
АКАДЕМИЯСИ**



**“Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарлик профилактикаси
тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан назорат” кафедраси “Тергов
фаолияти” йўналиши тингловчиси НУСРАТУЛЛАЕВ ШАҲБОЗ
ЖУМАНАЗАР ЎҒЛИНИНГ**

**“БИР ҚАНЧА ЖИНОЯТЛАР СОДИР ЭТИЛГАНДА УЛАРНИ
КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ мавзусидаги**

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯ ИШИ

Илмий раҳбар: С.Усманов

Илмий маслаҳатчи: Х.Каримов

ТОШКЕНТ – 2022

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3-7
1-БОБ. БИР ҚАНЧА ЖИНОЯТ СОДИР ЭТИШНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ.....	8-19
1.1. Бир қанча жиноят содир этиш тушунчаси ва юридик табиати.....	8-13
1.2. Бир қанча жиноят содир этилганда квалификация қилишнинг умумий қоидалари.....	13-19
2-БОБ. БИР ҚАНЧА ЖИНОЯТ СОДИР ЭТИЛГАНДА УЛАРНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ ЮЗАСИДАН АМАЛДАГИ ҚОНУНЧИЛИК ТАҲЛИЛИ.....	20-66
2.1. Такроран содир этилган жиноятларни квалификация қилиш.....	20-37
2.2. Жиноятлар мажмуида квалификация қилиш.....	37-54
2.3. Рецидив жиноятларни квалификация қилишнинг хусусиятлари.....	54-66
3-БОБ. БИР ҚАНЧА ЖИНОЯТЛАРНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ НОРМАЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАСИ.....	67-82
3.1. Бир қанча жиноятларни квалификация қилишда хорижий давлатлар тажрибаси.....	67-73
3.2. Бир қанча жиноятларни квалификация қилиш юзасидан амалдаги қонунчилик муаммоларига ечимлар.....	73-82
ХУЛОСА.....	80-82
Фойдаланилган адабиётлар руйхати.....	83-86

КИРИШ

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятни шакллантириш мақсадида истиқболли дастурлар орқали туб ислоҳотлар изчил равишда амалга оширилиб келинмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ бугунги кунда мамлакатимизда инсонпарвар ҳуқуқий демократик давлат асослари яққол кўзга ташланади. Шубҳасиз, Қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқ ва манфаатларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири саналади. Бу жараёнда бошқа ҳуқуқ соҳалари билан бир қаторда жиноят қонунчилигини такомиллаштириш ва либераллаштириш ҳам устувор аҳамият касб этади.

Мазкур диссертациянинг долзарблиги ҳам бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти билан асосланади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 24.01.2020 йилдаги Олий Мажлис палаталарига Мурожаатномасида парламентга “яқин вақт ичида Жиноят, Жиноят-процессуал, Жиноят ижро, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексларни янгитдан қабул қилиш мақсадга мувофиқлигини, бу борада, аввало, тергов ва суд амалиётига инсон ҳуқуқлари соҳасидаги илғор стандартларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлаган”¹, қолаверса Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январда қабул қилган ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”нинг II бобида назарда тутилган мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантиришда Жиноят, жиноят-процессуал ва жиноят ижроия такомиллаштириш сиёсатини изчил давом эттириш, жинойий жазолар ва уларни ижро этиш тизимига инсонпарварлик тамойилини кенг жорий этиш

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталарига навбатдаги 24.01.2020 йилдаги Мурожаатномаси – <https://president.uz/uz/lists/view/3324>

лозимлиги белгиланганлиги мазкур соҳани тадқиқ этиш зарурати мавжудлигидан далолат бермоқда.

Жиноят қонунчилигини либераллаштириш ўз навбатида жиноятларни тўғри квалификация қилиш масалаларини ҳам қайта кўриб чиқишни тақозо этади. Негаки, вақт ўтгани сайин жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиги ортиб боради ёки баъзи қилмишлар ижтимоий хавфли бўлмай қолади ва бу ҳолат жиноят ҳуқуқи соҳасида доимий изланишлар олиб боришни талаб этади. Чунки, жиноятларни нотўғри квалификация қилиш орқали қўлланган нотўғри жазо фуқароларнинг қонунда белгиланган ҳуқуқ ва манфаатларига жиддий зиён етказиши мумкин. Негаки, Жиноят кодексининг 8-моддасида “Одиллик принципи” ҳақида сўз юритилиб, унда “Жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одиллона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилиқ даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги²” қайд этилган. Жиноятларни нотўғри квалификация қилиш эса Кодексида белгиланган мазкур принципга амал қилишга тўсқинлик қилади.

Бир шахс томонидан Бир қанча жиноятлар содир этилиш ҳолатлари ҳар қандай мамлакат ҳаётида учрайдиган ҳодиса ҳисобланади. Бизнинг мамлакатимизда ҳам бу соҳада амалга оширилаётган ишларга қарамасдан бир шахс томонидан бир қанча жиноятлар содир этилиш ҳолатлари кўрсаткичи йилдан йилга ўсиб бормоқда ва бу ҳолат бир қанча жиноятларни квалификация қилиш муаммоларини бартараф этиш борасида тадқиқотлар олиб боришни талаб қилмоқда. Жиноят-ҳуқуқий соҳани либераллаштириш жараёнида жиноят қонунчилигига бир қатор ўзгартишлар киритилди ва уларнинг маълум бир қисми бир қанча жиноятларни квалификация қилиш билан боғлиқдир. Лекин шунга қарамасдан жиноят қонунчилигини танқидий таҳлил қилиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан квалификация қилинган жиноят ишларини кўздан кечириш ва хориж тажрибасини ўрганиш

² Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. Т.: Адолат, 2020й. Б-5.

бу соҳада ҳали ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар етарлича эканлигини кўрсатмоқда. Жумладан, содир этилган бир қанча жиноятларни қандай ҳолатда такрорий, жиноятлар мажмуи ёки рецидив жиноят тарзида квалификация қилиш лозимлиги бу соҳада дуч келиниши табиий бўлган асосий муаммодир. Ва мазкур муаммолар натижасида, соҳада Жиноят кодексида белгиланган одиллик, инсонпарварлик принциплари, қонуннинг вақт бўйича амал қилиш каби принципиал қоидалари бузилиш ҳолатлари юзага келмоқда.

Юқоридагиларнинг барчаси мазкур мавзунинг долзарблигини ва уни тадқиқ қилиш заруратини асослаб беради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бир қанча жиноятларни квалификация қилиш масалалари ўзбек олимлари билан бир қаторда бир қанча хорижий ҳуқуқшунослар томонидан ўрганилган. Мазкур масала юзасидан республикамиз олимлари томонидан ёзилган юридик адабиётларда бир қанча тушунтиришлар берилган. Жумладан, Д.Каракетова М.Усмоналиев, М.З.Муқимова, Б.Б.Матлюбов, А.К.Иркаҳоджаев, У.Ш.Халикулов, М.Ҳ.Жиянов, Д.Ю.Пайзиев ва Ф.Тоҳировларнинг илмий ишларида ва дарсликларида тадқиқ этилаётган муаммога тегишли жиҳатлар ёритилган. Бироқ, юқоридаги номлари қайд этилган олимларнинг дарслик ва бошқа кўлланмаларида бир қанча жиноятларни квалификация қилишнинг бугунги кундаги муаммолари тўлиқ қамраб олинмаган.

Хорижий давлатлар олимларидан В.Н.Кудрявцев, А.И.Сорокин, В.В.Коряковцев, К.В.Путилько, М.Б.Плотникова, В.П.Малков. И.Г.Возжанникова, И.Б.Агаев, Е.В.Благов, А.В.Козлов, А.П.Севастьянов, В.Бушков, С.Г.Спивак ва А.Н.Трайнин каби олимлар ҳам ўзларининг дарслик ва илмий ишларида мазкур мавзу юзасидан фикрларини ифодалашган.

Қайд этиш жоизки, мазкур муаллифларнинг илмий ишлари ва дарсликларининг аксарият қисми жиноят қонунчилиги либераллаштирилишидан олдинги даврга тегишли бўлиб, уларда ҳозирги кунда учраётган муаммолар етарлича таҳлил қилинмаган. Шу боис бугунги кунда Бир қанча жиноятларни квалификация

қилишнинг аниқ меъзонларини ишлаб чиқиш жиноят ҳуқуқи назарияси учун ҳам, жиноятчиликка қарши кураш амалиёти учун ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Диссертациянинг мақсад ва вазифалари. Бир қанча жиноятларни квалификация қилиш масалаларини комплекс таҳлил қилиш, амалиёт даврида олиб борилган кузатишлар асосида қонунчилик амалиётида вужудга келаётган муаммоли вазиятларни аниқлаш ва очиб бериш, уларни бартараф этиш юзасидан аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш диссертациянинг мақсади ҳисобланади.

Диссертациядан кўзланган мақсад асосида илмий-тадқиқот олдига қуйидаги **вазифалар** қўйилди:

- ✓ Бир қанча жиноятларни квалификация қилиш тушунчаси ва умумий таснифини ўрганиш;
- ✓ Бир қанча жиноятларни квалификация қилишнинг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш;
- ✓ Бир қанча жиноятларни квалификация қилишда юзага келаётган муаммоларни аниқлаш учун бекор қилинган ёки ўзгартирилган суд ҳукмлари билан танишиб чиқиш орқали тегишли хулосаларга эга бўлиш;
- ✓ Бир қанча жиноятларни квалификация қилиш бўйича амалдаги қонун нормаларини такомиллаштириш ва уни қўллаш амалиётини яхшилаш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Диссертациянинг объекти жиноят кодексида белгиланган асосий қоидаларидан бири одиллик принципининг таъминланишида бир қанча жиноятларни квалификация қилишнинг ҳуқуқий асослари таҳлили, ушбу жараёнда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан йўл қўйилаётган камчиликлар ҳамда бу соҳани тартибга солишдаги қонунчиликда мавжуд бўлган бўшлиқлар ва зиддиятли ҳолатлар мажмуасидир.

Диссертациянинг предмети бир қанча жиноятларни квалификация қилиш қоидалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, қонунни қўллаш амалиёти, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти ҳамда юридик фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар ва

ҳуқуқий категориялар, суд архиви маълумотлари диссертациянинг предметини ташкил қилади.

Ишнинг илмий янгилиги шу билан белгиланадики, ҳозирги кунга қадар бир қанча хорижлик ва мамлакатимизнинг ҳуқуқшунос олимлари томонидан бир қанча жиноятларни квалификация қилиш масалалари ўрганилган ва қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан бир қанча тегишли хулосалар тайёрланган бўлсада, мазкур олимлар томонидан тайёрланган қўлланмалар яқин ўн йилларда такомиллаштирилмаганлиги сабабли ҳозирги кунда мазкур соҳада бир қанча муаммолар келиб чиқмоқда. Ушбу диссертация ишида бир қанча жиноятларни квалификация қилишнинг ҳуқуқий механизми ўрганилади, таҳлил қилиниб ушбу соҳада қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан тегишли хулосалар қилинади ва таклифлар тайёрланади.

Диссертация натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти диссертация доирасида олиб борилган тадқиқот натижаларидан жиноят қонунчилигини такомиллаштириш борасидаги қонунчилик фаолиятида ва қонунни қўллаш амалиётини янада яхшилаш, шунингдек мавзуга оид дарсликлар, ўқув ва ўқув-услубий қўлланмалар ва бошқа илмий изланишларда фойдаланилиши мумкин.

Тадқиқот ишнинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот иши кириш, етти қисмни ўз ичига олувчи учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган.

Биринчи боб умумназарий хусусиятга эга бўлиб, унда Бир қанча жиноятлар тушунчаси, унинг турлари, бир қанча жиноятларни квалификация қилиш тушунчаси, қоидалари, тартиби, иккинчи бобда эса, бир қанча жиноят турларининг ҳар бирига алоҳида тушунтириш берилиб, амалиётда юзага келган ҳолатлар таҳлили ёритилади ва учинчи бобда бир қанча жиноятларни квалификация қилиш борасидаги маҳаллий ва хорижий олимларнинг қарашлари ўрганилиб, юқорида келтирилган таҳлиллар асосида тегишли таклифлар берилади.

1-БОБ. БИР ҚАНЧА ЖИНОЯТ СОДИР ЭТИШНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

1.1. Бир қанча жиноят содир этиш тушунчаси

Маълумки, жиноят ҳуқуқи назариясида бир қанча жиноят содир этиш институти алоҳида аҳамиятга эга институтлардан бири ҳисобланади. Яъни, бир қанча жиноят деганда, шахс томонидан ҳар бири алоҳида жиноят таркибини ташкил этувчи икки ва ундан ортиқ жиноий қилмишнинг содир этилиши тушунилади.

Бир қанча жиноятларни квалификация қилиш ва жазо тайинлашга оид нормалар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси, судларга алоҳида тушунтириш сифатида Олий суд Пленумининг 2006 йил 3-февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги ҳамда 2008 йил 15-майдаги “Бир қанча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида”ги ва бошқа қарорларида келтириб ўтилган.

Олий суд Пленумининг “Бир қанча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида”ги қарорида бир қанча жиноят тушунчаси жиноятлар мажмуи, такроранлиги ва рецидив жиноятлар каби ҳуқуқий институтларни ўз ичига олиши қайд этилган³ бўлсада, айнан бир қанча жиноят юзасидан жазо тайинлашга бағишланган ЖКнинг 59-моддасида фақатгина, бир қанча жиноятнинг шакли бўлган жиноятлар мажмуи учун жазо тайинлаш назарда тутилган.

Шахснинг жазони ўташ даврида янги жиноят содир этиши унинг ижтимоий хавфлилик даражаси юқорилигини ҳамда давлат мажбурлов чораларини қўллаб, жазонинг мақсадларига эришилмаганлигини кўрсатади. Бу ҳолат эса, бундай шахсга яхшироқ таъсир этадиган оғирроқ турдаги

³ Ўзбекистон Республикаси Олий суд пленумининг “Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида”ги 15.05.2008 йилги қарори. [http://www/lex.uz](http://www.lex.uz)

мажбурлов чораларини қўллаш заруриятини келтириб чиқаради. Шу сабабли мазкур масала жиддий эътибор қаратишни талаб қилади.

Бир қанча жиноятлар содир этилганда қилмиш жиноят кодекси махсус қисмининг битта моддаси ёки битта моддасининг битта қисми билан ёхуд битта моддасининг турли қисмлари ёки турли моддалари билан квалификация қилинади ва масалани ҳал этишда бир қанча жиноятларнинг қайси тури содир этилганлигини аниқлаб олиш лозим бўлади.

Мавзунинг наъзарий томонига эътиборимизни қаратадиган бўлсак, бир қанча жиноятлар тушунчаси ҳақида бир қанча олимлар ўзларининг фикрларини билдиришган. Жумладан, ҳуқуқшунос олим В.Н.Кудрявцев бир қанча жиноят содир этиш - бир шахс томонидан содир этилган ҳамма қилмишларнинг юридик нуқтаи назардан бир қанча мустақил жиноятларга бўлиниши билан тавсифланади деган фикрни илгари сурган. Бошқа бир олим Г.Г.Криволапов эса, бир қанча жиноят содир этиш қуйидаги ҳуқуқий белгиларга эга бўлишини таъкидлаган:

1. шахс томонидан икки ёки ундан ортиқ жиноятларнинг содир этилиши ва бу жиноятларнинг кетма-кет содир этилганлиги;
2. бир қанча жиноятлар таркибига кирувчи ҳар бир жиноятнинг унинг содир этилиш фактидан келиб чиқадиган жиноий-ҳуқуқий оқибатларига эга бўлиши.

Ҳуқуқшунос В.Ф.Шмелев шахснинг кетма-кет икки ёки ундан ортиқ жиноятларни содир этиши, агар уларнинг ҳеч бўлмаганда иккитаси юзасидан ҳуқуқий оқибатлар тугамаган бўлса, бир қанча жиноят содир этиш деб баҳоланиши зарур эканлигини таъкидлайди. Бошқа бир ҳуқуқшунос олим В.Ф.Шевченко эса, бир шахснинг ҳаракати (ҳаракатсизлиги)да алоҳида жиноий-ҳуқуқий нормаларда ифода этилган бир қанча жиноятларнинг, ушбу жиноятлар учун жиноий жавобгарликка тортилганлигидан кейин мавжуд бўлишини бир қанча жиноят содир этиш деб таърифлайди. Бироқ, ҳуқуқшунос олим В.Ф.Шевченконинг бир қанча жиноятлар тўғрисидаги фикри миллий

қонунчилигимиздаги бир қанча жиноят турларининг барчасига эмас, балки фақатгина рецидив жиноят турига мос келади.

ЎзР жиноят қонунида бир қанча жиноятлар содир қилиш тушунчаси 3-турга бўлинади.

Ҳусусан:

- такроран жиноят содир этиш;
- жиноятлар мажмуи;
- рецидив жиноятлар.

Такроран жиноят содир этиш тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мумкин. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 32-моддасида белгиланишига кўра, Жиноят кодекси махсус қисмининг айна бир моддасида, қисмида, кодексда алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса турли моддаларида назарда тутилган икки ёки бир қанча жиноятни шахс турли вақтларда содир этган, аммо уларнинг бирортаси учун ҳам судланган бўлмаса, такроран жиноят содир этиш деб топилади. Тамом бўлган жиноят ҳам жазога сазовор бўлган жиноятга тайёргарлик кўриш ёки жиноят содир этишга суиқасд қилиш ҳам, шунингдек, иштирокчиликда жиноят содир этиш ҳам такроран жиноят содир этиш деб айтилади⁴.

Жиноятлар жами(мажмуи) деганда эса, Жиноят кодекси Махсус қисмининг турли моддаларида ёки битта моддасининг турли қисмларида назарда тутилган, жавобгарликка тортиладиган икки ёки Бир қанчажиной қилмишни содир этиш ва ушбу қилмишлардан бирортаси учун ҳам шахснинг судланмаганлиги тушунилади.

Жиноят ҳуқуқи назариясида жиноятларнинг идеал жами ва жиноятларнинг реал жами каби тушунчалар келтириб ўтилган бўлиб, жиноят ҳуқуқи назарияси ва қонунчилик амалиётида *жиноятларнинг идеал жами* деганда шахснинг бир ҳаракати туфайли ЖК Махсус қисмининг камида иккита моддаси билан қўриқланадиган объектга тажовуз қилиш тушунилади.

⁴ Ўзбекистон Республикаси жиноят кодекси. Т.: Адолат, 2018й. Б-15.

Бунда Махсус қисми моддасининг ягона таркибига кирувчи объектнинг қисмига эмас, балки муайян моддада назарда тутилган жиноят таркибининг объекти қамраб ололмайдиган бошқа бир объектга ҳам тажовуз қилинган бўлиши керак.

Бир қанча жиноятларнинг учинчи тури бўлмиш **рецидив жиноят** - бир қанча жиноятлар тизимининг энг хавфли шакли бўлиб, илгариги қасддан қилган жинояти учун шахс муайян турдаги жазога ҳукм қилинганидан кейин қасддан янги жиноят содир қилганликдан иборатдир. Рецидив жиноят тушунчаси жиноят-ҳуқуқий тушунча бўлиб, унга тўлароқ таъриф бериб, қуйидагича ифодалаш мумкин. Яъни, шахснинг илгари қасддан қилган жинояти учун судланиб, судланганлик муддати ўтиб кетмасдан ёки қонунда белгиланган тартибда олиб ташланмасдан қасддан янги жиноят содир этиши рецидив жиноят деб топилади. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят қонунида жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси ва муайян жиноятлар учун судланиш сонидан келиб чиқиб, рецидив жиноят уч турга - оддий, хавфли ва ўта хавфли рецидивга бўлинади⁵.

Оддий рецидив жиноят – айбдор шахснинг илгари содир қилган жинояти учун судланганидан кейин махсус қисмнинг бошқа бир моддасида назарда тутилган жиноятни қасддан содир этишидир.

Хавфли рецидив жиноят ўз навбатида икки турга бўлиб ўрганилади: биринчиси - илгари ҳукм қилинган жиноятга ўхшаш жиноятни содир этиш бўлса, иккинчиси - кодексда алоҳида кўрсатилган ҳолларда ЖК махсус қисмининг бошқа моддалари билан ҳам ҳукм қилинган шахснинг қасддан янги жиноят содир этиши. Хавфли рецидив жиноятнинг биринчи тури бўлмиш илгари ҳукм қилинган жиноятга ўхшаш жиноятни содир қилиш деганда шахс илгари қасддан содир қилинган жинояти учун судланганидан кейин айнан ўша моддада ёки модданинг муайян қисмида назарда тутилган жиноятни қасддан содир этиши тушунилади. Иккинчи тури, Жиноят кодексининг бир қанча

⁵ М.Усмоналиев, Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. –Тошкент.: «Янги аср авлоди», 2005. Б-307.

моддаларида ўз аксини топган норма, яъни кодексда алоҳида кўрсатилган ҳолларда Жиноят кодекси махсус қисмининг бошқа моддалари билан ҳукм қилинган шахснинг қасддан янги жиноят содир этиши хавфли рецидив жиноят деб ҳисобланади.

Ўта хавфли рецидив жиноят деб эса, шахснинг илгари ўта оғир жинояти учун ёки икки марта оғир жинояти учун ҳукм қилиниб, уларнинг ҳар бири учун беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахс томонидан ўта оғир жиноят содир этилиши ёки илгари оғир жинояти учун икки марта ҳукм қилинган ёки олдин-кейинлигидан қатъи назар, оғир ёки ўта оғир жиноятлар учун уларнинг ҳар бирига беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланганидан сўнг оғир жиноят содир этишига айтилади⁶.

Юридик адабиётларда мазмунан турлича бўлган бир қанча жиноятлар содир этиш тушунчаси ҳуқуқшунос олимлар томонидан турлича талқин қилинади. Хусусан, бир гуруҳ россиялик ҳуқуқшунос олимлар жиноят қонунчилигида бир қанча жиноят тушунчаси мустақамланмаганлигини, унда, асосан, бир қанча жиноятларнинг шакллари белгиланганлигини таъкидлашар экан, бир қанча жиноятларнинг иккита асосий белгиларини, яъни ҳар бир қилмиш ўзида мустақил жиноят таркибини акс эттириши лозимлиги ва барча қилмишлар ўзининг ҳуқуқий оқибатларини сақлаб қолган бўлиши лозимлигини санаб ўтадилар.

Шу билан бир қаторда қилмишларни бир қанча жиноят деб эътироф этишнинг зарурий шартларидан яна бири сифатида содир этилган қилмишларнинг қонунда бошқа турдаги ҳуқуқбузарлик эмас, балки айнан жиноят деб топилиши лозимлигини таъкидлайдилар. Қайд этиш жоизки, бир қанча жиноятларни ташкил қилувчи барча қилмишлар фақат бир шахс томонидан содир этилган бўлиши лозим ва ушбу шахснинг содир этилган жиноятларда айнан қандай вазифани бажарганлиги, ташкилотчи, далолатчи

⁶ Ўзбекистон Республикаси жиноят кодекси. Т.: Адолат, 2018й. Б-16

ёки ёрдамчилиги ҳеч қандай аҳамият касб этмайди ёки жавобгарликдан озод қилмайди.

Бир қанча жиноятларни аниқлашда фақат жиноий жавобгарликка тортиш учун асос бўлган қилмишлар ва жиноий жавобгарликка тортиш муддатининг ўтмаганлиги ҳисобга олинади. Агар содир этилган бирор-бир қилмиш учун шахсни жиноий жавобгарликка тортиш асоси бекор бўлган бўлса ёки жавобгарликка тортишнинг қонунда белгиланган муддатлари ўтган бўлса, бундай қилмиш бир қанча жиноятларни ҳисобга олишда инобатга олинмайди.

1.2. Квалификация қилишнинг умумий қоидалари

Энди бевосита жиноятларни квалификация қилишнинг луғавий маъноси ва қоидаларига тўхталамиз.

Квалификация сўзи латинча *“qualis”* – “қандай”, “қандай сифатли” ва *“facere”* – “қилиш” маъноларини англатади. Таъкидлаш жоизки, жиноятларни квалификация қилиш суриштирув, дастлабки тергов ва суд органлари томонидан амалга оширилиб, суднинг қонуний кучга кирувчи якуний ҳукми билан мустаҳкамланади.

Жиноятларни квалификация қилиш - содир этилган жиноий хатти-ҳаракат учун жиноят қонунида назарда тутилган моддани(жазо чорасини) тўғри қўллаш мақсадида мазкур жиноий ҳаракатнинг у ёки бу жиноят таркиби белгиларига мувофиқлигини аниқлаш бўлиб, давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан жиноят қонунини қўллаш жараёнида ҳал қиладиган марказий масалалардан биридир. Зеро, моддий ва процессуал қонунларнинг тўғри қўлланилиши фуқароларнинг асоссиз жавобгарликка тортилиши ва судланишидан ҳимоя қилишни ҳамда айбдорларга нисбатан қилмишига яраша, одилона жазо тайинланишини таъминлайди. Одилона жазо белгиланиши эса, энг аввало, айбдорнинг хатти-ҳаракатини тўғри квалификация қилиш билан боғлиқ бўлиб, бунда хатога йўл қўйиш содир этилган жиноятга нисбатан номутаносиб жазо чорасини қўллашга ва фуқароларнинг қонунда белгиланган ҳуқуқ ва манфаатларини бузилишига

олиб келади. Шунини ҳам инобатга олиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигига кўра, шахснинг қилмишида жиноят қонунда белгиланган аниқ жиноят таркиби барча белгиларининг мавжудлиги жиноий жавобгарликнинг ягона асоси бўлиб ҳисобланганлиги сабабли шахснинг содир этган қилмиши жиноят қонунининг аниқ моддасида назарда тутилган бўлсагина, у жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Шахснинг муайян жиноятни содир этишда айбдорлиги масаласини ҳал этишда тергов органлари, прокурор ёки суд у содир этилган қилмишнинг барча белгиларини қамраб олувчи жиноий-ҳуқуқий нормани танлашлари, яъни унинг қилмишини квалификация қилишлари керак.

Жиноятларни квалификация қилиш жиноят ҳуқуқи назариясида ҳуқуқшунос олимлар ўртасида турлича талқин этилади. Хусусан, В.Н.Кудрявцевнинг назарида «жиноятни квалификация қилиш – қилмишга ҳуқуқий баҳо беришни, ушбу жиноят аломатларини акс эттирган тегишли жиноий-ҳуқуқий нормани кўрсатишни билдиради⁷».

Жиноят ҳуқуқи назариясида жиноятларни квалификация қилиш тушунчаси кенг ва тор маънода қўлланилади, яъни тор маънода квалификация қилиш жиноий-ҳуқуқий нормаларга мувофиқ келувчи ижтимоий ҳавфли қилмишнинг ҳуқуқий баҳоси бўлса, кенг маънода квалификация муайян мантиқий жараён бўлиб, Жиноят кодекси махсус қисмида назарда тутилган ижтимоий ҳавфли қилмишни содир этган шахснинг қилмишида жиноят таркиби мавжудлигини аниқлаш юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан олиб бориладиган фаолиятдир⁸. Қисқача қилиб айтганда, жиноятларни квалификация қилиш – бу содир этилган қилмиш белгилари билан Жиноят кодекси Махсус қисмида назарда тутилган жиноят таркиби белгиларининг бир-бирига тўлиқ мос келишини аниқлаш ва юридик жиҳатдан мустаҳкамлашдир. Жиноятнинг нотўғри квалификация қилиш,

⁷ Кудрявцев В. Н. Общая теория квалификации преступлений. – М., 2001. – С. 4.

⁸ Рустамбаев М.Х. Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм. Дарслик. Т.: «Ўқитувчи», 2003.

яъни ишнинг ҳақиқий ҳолатларига мос келмайдиган қонунни қўллаш содир этилган жиноятлар моҳиятини нотўғри талқин қилинишига ва хато ҳукм чиқарилишига олиб келади.

Жиноятларни квалификация қилиш – жиноят процессининг барча босқичларида амалга ошириладиган жараён бўлиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар – суриштирув, тергов, прокуратура ва суд томонидан амалга оширилади ва шунинг учун ҳам улар фаолиятини умумий вазифа ва мажбуриятлар билан уйғун эканлигини билдиради. Содир этилган жиноятнинг квалификацияси жазо тайинлаш учун ва содир этилган жиноятнинг бошқа ҳуқуқий оқибатлари учун асос бўлиб хизмат қилади. Совет иттифоқи давридаги жиноят қонунчилигига назар ташлайдиган бўлсак, ушбу даврда жиноятнинг тўғри квалификациясига жиноят процессида социалистик қонунийликка риоя қилишнинг муҳим омили сифатида қаралган. Жиноятларни квалификация қилишнинг моҳияти айбдорнинг ахлоқан тузалиши учун етарли ва зарур бўлган жазони қўллаш мақсадида, содир этилган жинояти учун айбдор шахсни жиноий жавобгарликка тортиш, шунингдек, бошқа шахслар томонидан янги жиноятлар содир этилишининг олдини олишдан иборат бўлиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг махсус ҳуқуқий фаолияти ҳисобланади ва ўзида психологик ва мантиқий жараёнларни мужассамлаштиради.

Жиноятларни квалификация қилиш мураккаб фикрлаш жараёни бўлиб, у мантиқий фикрлаш қобилятини, кўплаб фактлар, белги ва ҳолатларга асосланган ҳолда қилмишга ҳуқуқий баҳо бериш қобилятини талаб этади. Жиноятларни квалификация қилиш жараёни содир этилган жиноятларнинг объекти ва объектив томони, субъекти ва субъектив томонларининг юридик аҳамиятга эга бўлган белгиларининг Жиноят кодексида назарда тутилган жиноят таркиби белгиларига аниқ мос келишини аниқлаш заруратини келтириб чиқаради. Масалан, қийнаш (ЖК 110-м.), безорилик (ЖК 277-м.) жиноятларида объектив томоннинг ташқи белгилари бир хилдек бўлса-да, аммо улар тажовуз объекти билан бир-биридан фарқ қилади. Яъни, қийнаш

жинояти соғлиққа қарши жиноятларни назарда тутувчи бобда жойлашган бўлса, безорилик жинояти эса, жамоат тартибига қарши жиноятларни назарда тутувчи бобда жойлашган. Яна бир мисол жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлган қасддан баданга оғир шикаст етказиш жинояти учун жавобгарлик ЖК104-моддаси 3-қисмининг «д» бандида назарда тутилган бўлса, қасддан одам ўлдириш ЖК 97-моддасининг 1-қисми ёки 2-қисмига мос келади, бу ерда ЖК 104-моддаси 3-қисмининг «д» бандида назарда тутилган қилмишдаги айб оқибатга нисбатан эҳтиётсизлик шаклида бўлса, ЖК 97-моддасининг 1-қисмига кўра қасд одам ўлдиришдан иборат бўлади. Хар иккала ҳолатда ҳам одам ўлими келиб чиққан бўлса-да, улар бири-биридан субъектив томони буйича фарқланади. Яъни қасддан ёки эҳтиётсизлик оқибатида одам ўлими содир этилади.

Юқорида билдирилган фикрлардан келиб чиқиб, жиноятларни квалификация қилишнинг қуйидаги муҳим жихатларини кўрсатиш мумкин:

- 1) давлатнинг жиноий-ҳуқуқий соҳада олиб бораётган сиёсатини қўллаб-қувватлайди;
- 2) жиноят қонуни принципларини амалга оширишнинг зарур шарти ҳисобланади;
- 3) қонунда кўрсатилган нормаларга таянган ҳолда одил судловни амалга оширишнинг кафолати ҳисобланади;
- 4) айбдор ва жабрланувчининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашнинг кафолати ҳисобланади;
- 5) одил судлов органларининг обрўсини кўтариш ва уни қўллаб-қувватлашга кўмаклашади;
- 6) аниқ суд статистикасини юритишнинг ҳаққоний асоси ҳисобланади;
- 7) жиноят қонунида назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмишларнинг ҳақиқатдан ҳам содир этилганлигини тан олишнинг асоси ва услуби бўлиб хизмат қилади, яъни жиноий қилмишни жиноий бўлмаган қилмишдан фарқлаш вазифасини бажаради.

Содир этилган жиноятлар юзасидан қабул қилинган суд қарорлари бекор қилинган ёки ўзгартирилган ишларнинг таҳлили натижасидан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, айбдорнинг жиноий қилмишига тўғри юридик баҳо бериш ва бунинг интихоси сифатида унга мутаносиб жазо белгилашда юзага келаётган асосий муаммолар одатда айбдор томонидан бир қанча жиноят содир этилганда кузатилаётганлигини кўришимиз мумкин. Шу боис Бир қанча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишда хатога йўл қўймаслик учун асосан қуйидаги ҳолатларга эътибор бериш мақсадга мувофиқ.

Маълумки, Жиноят кодексининг 8-бобида такрорий жиноятлар, жиноятлар мажмуи ва рецидив жиноятлар каби ҳуқуқий институтлар ўз аксини топган бўлиб, мазмунан ҳар доим шахс томонидан Бир қанча жиноят содир этилганда унга қай йўсинда ҳуқуқий баҳо берилишига доир масалаларни ҳал этади. Бир вақтнинг ўзида ёки турли вақтларда Бир қанча жиноятларни содир этилиши тергов ва суд амалиётида кўп учрайдиган ҳодисалардан ҳисобланади ва Бир қанча жиноятларнинг содир этилиши жиноят субъекти ва у томонидан содир этилган жиноятларнинг ижтимоий ҳавфлилиги юқорироқ эканлигидан далолат бериб, Бир қанча жиноят содир этган шахснинг ҳулқ-атвори жамият манфаатларига зид бўлган барқарорликка ва йўналишга эга эканлигини кўрсатади. Шунингдек, Бир қанча жиноятларнинг содир этилиши натижасида шахс ва жамиятнинг қонун билан қўриқладиган манфаатларига етказилган жисмоний, моддий, маънавий ва бошқа зарар одатда бир жиноят натижасида етказилган зарарга нисбатан кўпроқ бўлади ва бу унинг ижтимоий ҳавфлилиги ошиб бораётганлигидан далолат беради.

Юқорида қайд этилган уч институт, такрорий жиноят, жиноятлар мажмуи ва рецидив жиноятлар ўзининг тушунчаси, хусусиятлари ва белгиларига эга бўлиб, уларни тўғри англаб олиш ва бирини иккинчисидан фарқлаш жиноятларни квалификация қилишда хатога йўл қўйилишининг

олдини олади. Ушбу уч институтга юқорида берилган таърифлар орқали уларнинг қуйидаги белгиларини ажратиш кўрсатиш мумкин:

Биринчидан, бир қанча жиноятни ташкил қилувчи ҳар бир ижтимоий хавфли қилмиш жиноят қонунида жиноят сифатида назарда тутилган бўлишлиги лозим. Шу боис таркибида интизомий, маъмурий ёки бошқа ҳуқуқбузарликлар мавжуд бўлган қилмиш жиноят билан бирикканда бир қанча жиноят сифатида квалификация қилинмайди. Бир қанча жиноятни шакллантирувчи жиноятлар хилма-хил, бир хил таркибли ёки айнан ўхшаш таркибли бўлиши мумкин бўлиб, бунда айнан ўхшаш жиноятлар деб Жиноят кодексининг айна битта моддаси билан квалификация қилинадиган, лекин ЖКнинг турли қисмларида назарда тутилган қилмишлар ҳамда жиноий-ҳуқуқий ҳимоянинг умумий объектига эга бўлган, лекин бошқа юридик белгилари бўйича бир-бирига мос келмайдиган жиноятлар тушунилади. Ўғрилик, босқинчилик, талончилик, фирибгарлик ва товламачилик жиноятларида умумий объект бу ўзгаларнинг мулки. Хилма-хил таркибли жиноят деганда эса, турли хил ёки бевосита турли объектга, объектив томонга эга бўлган, бевосита сифат жиҳатдан бир-биридан фарқ қилувчи жиноятлар эътироф этилади. Қоида тариқасида хилма-хил таркибли жиноятлар Жиноят кодексининг турли бобларида белгиланганлиги сабабли уларни аниқлашда ортиқча қийинчиликлар юзага келмайди.

Иккинчидан, содир этилган ҳар бир ижтимоий хавфли қилмиш Жиноят кодексига назарда тутилган муайян жиноят таркибида ифодаланади. Яъни, бир қанча жиноятни ташкил қилувчи ҳар бир ижтимоий хавфли қилмиш юридик жиҳатдан мустақил ҳисобланади ва жиноий жавобгарликка тортиш асоси сифатида намоён бўлади.

Учинчидан, суд томонидан ҳукм чиқариш вақтида содир этилган жиноятлардан камида иккитаси ўзининг юридик аҳамиятини сақлаб қолган бўлиши лозим. Бу жумланинг мазмуни шундан иборатки, икки жиноятдан ҳеч бўлмаганда биттаси бўйича ЖКда белгиланган тартибда жиноий жавобгарликка тортиш муддати ўтган бўлса, айблов ҳукмини ижро этиш

муддати тугаган бўлса, судланганлик тугатилган ёки олиб ташланган бўлса, ёхуд шахс жиний жавобгарликдан озод қилинган бўлса, содир этилган ушбу бир қанча қилмишларни бир қанча жиноят сифатида квалификатсия қилиш мумкин эмас.

Бир қанча жиноятларнинг юридик аҳамияти шундан иборатки, бир қанча жиноят шакллари жазо тайинлаш, жавобгарлик ёки жазодан муддатидан олдин озод қилиш ва жазони ўтаб бўлганидан кейинги ҳуқуқий оқибатга оид масалалрни хал этишда таъсир қилади. Шу боис бир қанча жиноятларнинг турини аниқлаш ва тўғри квалификация қилиш жуда катта аҳамият касб этади.

2-БОБ. БИР ҚАНЧА ЖИНОЯТЛАР СОДИР ЭТИЛГАНДА УЛАРНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ МАСАЛАСИ

2.1. Такроран содир этилган жиноятларни квалификация қилиш
Жиноятни такроран содир этиш – бир хил, баъзан эса бир турдаги жиноятлардан иборат ўзига хос тузилишга эга барқарор алоқалар тизими бўлиб, қонунга кўра шахс томонидан турли вақтларда қасддан содир этилган икки ва ундан ортиқ жиноят тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 32-моддасида белгиланишига кўра, жиноят кодекси махсус қисмининг айнаи бир моддасида, қисмида, кодексда алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса турли моддаларида назарда тутилган икки ёки бир қанча жиноятни шахс турли вақтларда содир этган, аммо уларнинг бирортаси учун ҳам судланган бўлмаса, такроран жиноят содир этиш деб топилади⁹. Шунингдек, тамом бўлган жиноят ҳам жазога сазовор бўлган жиноятга тайёргарлик кўриш ёки жиноят содир этишга суиқасд қилиш ҳам, иштирокчиликда жиноят содир этиш ҳам такроран жиноят содир этиш деб топилади.

Содир этилган қилмишни такрорий жиноят деб топишимиз учун қилмиш ўзида қуйидаги белгиларни қамраб олганлиги таълаб қилинади.

1. Жиноят кодекси махсус қисми айнан бир моддасида назарда тутилган бўлиши, башарти унда бир хил жиноят таркиблари учун жавобгарлик белгиланган бўлса;
2. Жиноят кодекси махсус қисми муайян моддасининг айнан бир қисмида назарда тутилган бўлиши, башарти ушбу моддада турли жиноят таркиблари учун жавобгарлик белгиланган бўлса (масалан, ЖК 228, 248, 273 - моддалари);
3. Жиноят қонунида алоҳида назарда тутилган айрим ҳолларда, шахс томонидан қасддан Жиноят кодекси махсус қисми турли моддаларида

⁹ Ўзбекистон Республикаси жиноят кодекси. Т.: Адолат, 2018й. Б-15.

назарда тутилган икки ва ундан ортиқ жиноят содир этилиши ҳам такроран жиноят деб топилади (масалан, ЖК 104, 105, 118, 119, 189, 211, 212-моддалари иккинчи қисмлари, 213-моддаси учинчи қисми, 276-моддаси иккинчи қисми).

4. Шахс қонунда белгиланган тартибда ЖК 64-68–моддаларига асосан жиноий жавобгарликдан ёки ЖК 69-76–моддаларига кўра жазодан озод этилмаган бўлиши лозим. Акс ҳолда, жиноятлар мажмуи ва такроранлиги мавжуд бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигига кўра, қилмишни такроран жиноят содир этиш деб топишимиз учун қилмиш бир шахс томонидан ҳар бири жиноий жазога сазовор, жиноят бўлмиш ижтимоий хавfli ҳаракатларни камида икки марта содир этилиши лозим. Жиноят кодекси қатор диспозицияларида маъмурий преюдиция назарда тутилган ҳолатларига қарамай ҳаракатларидан бири ўзида маъмурий ҳуқуқбузарлик, бошқаси – жиноий қилмиш белгиларини акс эттирувчи шахс қилмиши такроран жиноят содир этиш белгилари бўйича квалификация қилиниши йўл кўйиб бўлмайдиган ҳолатдир. Масалан, “Қилмишни жиноят кодексининг 109-моддаси 1-қисми бўйича жиноий жавобгарликка тортишимиз учун шахс худди шунга ўхшаш ҳаракати учун маъмурий тартибда жавобгарликка тортилган бўлиши лозим. Яъни ушбу ҳаракатни такроран содир этганда қилмиш такроранлик белгиси билан эмас, балки ЖКнинг 109-моддаси 1-қисми билан жавобгарликка тортилади.

Юридик адабиётида такроран жиноятни содир этишнинг икки тури белгиланган: умумий ва махсус.

Умумий такрорийлик деганда бир турдаги ёки ҳар хил турдаги жиноятларни такроран содир этиш тушунилади. Бу ЖК 56-моддаси 1-қисми “н” банди тартибида оғирлаштирувчи ҳолат деб топилади ва тегишлича содир этилган қилмишни квалификация қилишга таъсир ўтказмайди.

Махсус такрорийлик деганда эса, жиноятни квалификация қилишга ва жазонинг оғирлигига таъсир этадиган ҳамда қасддан бир хил янги жиноят

содир этиш ёки алоҳида назарда тутилган ҳолларда қасдан бир хил ёхуд ҳар хил жиноятлар содир этишдаги такроранлик тушунилади¹⁰.

Такроран содир этилган жиноятларга мисол тариқасида 2021 йил 21-апрель кунда, жиноят ишлари бўйича Яккасарой туман суди томонидан кўрилган жиноят ишини келтиришимиз мумкин.

Аниқланишича, фуқаро Д.Б ўзганинг мулкани кўп миқдорда, яширин равишда талон-тарож қилиш мақсадида жиноий шериклари У.Ф, О.Н, Ж.Я лар билан биргаликда олдиндан жиноий тил бириктириб, гуруҳга бирлашиб, МЧЖга қарашли омборига ғайриқонуний равишда кириб, у ерда сақланаётган 11 та “Smart TV 45 Q60R” ҳамда 2 та “Smart TV 43 Q60R” русумли умумий қиймати 27.млн.727.минг сўм миқдорига тенг бўлган телевизорларини эгаллаб олиб, воқеа жойидан яширинган ва бу телевизорларни ўзаро бўлиб олиб, сотиб юборишган. Ушбу ҳолат бўйича айбланувчи Д.Б.нинг жиноий ҳаракатлари дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “в” банди, яъни “ўғрилиқ кўп миқдорда содир этилган бўлса” жиноят белгиси билан квалификация қилинган.

Бундан ташқари фуқаро Д.Б такроран ўзганинг мулкани яширин равишда талон-тарож қилиш мақсадида ўзининг жиноий фаолиятини давом эттириб, фуқаро М.Кга тегишли бозор ҳудудидаги омборхонадан жами 55 та чойшабларни олиб воқеа жойидан яширинган.

Айбланувчи Д.Б.нинг иккинчи эпизод бўйича жиноий ҳаракатлари дастлабки тергов органи томонидан «ўғрилиқ, такроран ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-тарож қилиш»да ифодаланган Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми «а» банди билан квалификация қилинган¹¹.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 1999 йил 30 апрелдаги «Ўзгалар мулкани ўғрилиқ, талончилик ва босқинчилик билан

¹⁰М.Х.Рустамбаев. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Умумий қисм. 1-жилд: Жиноят тўғрисида таълимот. ОТМ учун дарслик. – Т.: «ТДЮИ» нашриёти, 2010. – Б 407..

¹¹ Жиноят ишлари бўйича Яккасарой туман суди. Архив.

талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 6-сонли Қарорининг 1-бандида «Жабрланувчининг ёки бошқаларнинг йўқлигида ёки улар бор бўлса-да, уларга билдирмасдан ўзганинг мол-мулкани яширин талон-торож қилиш ўғирлик ҳисобланади. Бордию жабрланувчи ёки бошқалар мол-мулканинг олинадиганлигини кўрган бўлса-да, лекин айбдор билдирмасдан ҳаракат қилган деб ўйлаган бўлса, бундай қилмишни ҳам ўғирлик деб тавсифлаш лозим¹²»лиги кўрсатилган .

Бироқ суд ҳолат содир этилган пайтдаги базавий ҳисоблаш миқдоридан келиб чиққан ҳолда мазкур ҳолат юзасидан айбланувчи Д.Б.нинг жиноий ҳаракатлари дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “в” банди, яъни “ўғирлик кўп миқдорда содир этилган бўлса” жиноят белгиси билан нотўғри квалификация қилинган ва бу миқдор анча миқдорни ташкил қилади деб топилган. Натижада айбланувчи Д.Б.нинг биринчи эпизод бўйича содир этган қилмиши ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “б”, “в”, “г” бандлари билан қайта квалификация қилиниши лозимлиги таъкидланган. Дастлабки тергов органлари томонидан ушбу ҳолатларга чуқур этибор берилиши лозим, чунки улар томонидан содир этилган кичик хато туфайли жавобгарлик назарда тутилган модданинг қисми ўзгариши оқибатида жиноятчининг ҳолатини бошқача тарзда оғирлаштириб юбориши мумкин. Зеро, ЖКнинг 8-моддасида белгиланган одиллик принципи, яъни жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилиқ даражасига мувофиқ бўлиши лозимлиги қайд этилган.

Такроран жиноят содир этиш тушунчаси борасида олимлар ўртасида турлича қарашлар мавжуд. Ҳусусан, бир гуруҳ олимлар такроран содир этилган жиноятнинг қуйидаги белгиларини санаб ўтади:

¹² Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 1999 йил 30 апрелдаги «Ўзгалар мулкани ўғирлик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори. . <http://www.lex.uz>

1. жавобгарликка лойиқ икки ёки ундан ортиқ жиноятларни содир этилганлиги;
2. ушбу қилмишлар ягона қасд ва мақсад билан қамраб олинмаганлиги;
3. қилмишнинг турли вақтларда содир этилганлиги;
4. шахс содир этган қилмишларининг бирортаси учун судланмаганлиги;
5. қилмишлар учун ЖК махсус қисмининг бир моддасида ёки бир моддасининг битта қисмида жавобгарлик назарда тутилганлиги.

Бир неча ўхшаш жиноятларни турли вақтларда содир этиш уларни содир этиш ўртасида маълум муддатнинг ўтганлигидан далолат беради. Бундай вақт оралиғи қисқа ёки анча узоқ бўлиши мумкин, бироқ биринчи қилмиш буйича хали жавобгарлик муддати ўтиб кетмаган ва у ўзининг жиноий-ҳуқуқий аҳамиятини йўқотмаган бўлиши керак. Зеро, Жиноят кодексининг 32-моддаси 2-қисмида: «Агар шахс илгари содир этган қилмиши учун жавобгарликдан ёки жазодан озод қилинган бўлса, жиноят такроран содир этилган деб топилмайди», деб бевосита кўрсатилган.

Жиноятларнинг турли вақтларда содир этилганлиги такроран жиноят содир этишнинг зарурий белгиси ҳисобланади ва жиноятчи шахсининг юқори даражада ижтимоий хавфли эканлигидан дарак беради. Такроран жиноят содир этишда қасд ҳам ҳар бир жиноят учун алоҳида бўлади. Агар қилмиш умумий қасд билан қамраб олинган ва ягона мақсадга йўналтирилган бўлса, бу такроран жиноят содир этиш каби квалификация қилинмайди. Бу тўғрисида Жиноят кодекси 32-моддасининг 3-қисмида таъриф берилиб, унга мувофиқ, умумий қасд билан қамраб олинган ва ягона мақсадга йўналтирилган, ўзаро ўхшаш ва бир неча жиноий қилмишлардан иборат жиноятлар давомли жиноят деб топилади.

Ушбу таърифдан давомли жиноятнинг қуйидаги белгиларини ажратиш мумкин:

- а) шахснинг қилмишида икки ёки ундан ортиқ мустақил жиноий қилмишларнинг мавжудлиги ва албатта, ҳар бир қилмиш мустақил тамом бўлган жиноят таркибини ташкил қилиши;

- б) ушбу барча қилмишларнинг умумий қасд билан қамраб олинганлиги;
- в) барча қилмишни содир этишдан кўзланган ягона мақсаднинг мавжудлиги.

Давомли жиноятларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, барча жиноятларнинг ўзаро боғлиқлиги, бир бутунни ташкил қилишда намоён бўладиган барча эпизодларнинг ягоналигидадир. Давомли жиноятнинг ҳар бир эпизодлари улар мустақил жиноят характериға эға бўлмаса, мустақил квалификация қилинмайди ва ўзининг йиғиндисиди бир марталиқ жиноят сифатида қаралади. Масалан, ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш (ЖК 103-моддаси), қийнаш (ЖК 110-моддаси) ва ҳоказо.

Амалиётда такроран содир этилган жиноятлар учун жазо тайинлашда энг кўп учрайдиган муаммолардан бири бу икки ёки ундан ортиқ жиноятни давомли ёки такроран деб топиш билан боғлиқ масала ҳисобланади. Масалан, “А” исмли шахс томонидан “В” исмли шахсға нисбатан ЖКнинг 118-моддаси билан тақиқланган номусға тегиш жинояти содир этилган, орадан 2, 5, 7 кун ўтиб мазкур жиноий қилмиш жами 4 марта такрорланган ва “В” исмли шахс охирги марта содир этилганидан сўнг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларға тегишли тартибда хабар берган, амалдаги жиноят қонунчилигида юқорида номи қайд этилган “А” исмли шахснинг қилмишини тегишли модданинг такроранлик белгиланган банди билан квалификация қилиш ёки давомли жиноят сифатида ЖК 118-моддаси 1-қисми билан квалификация қилиш юзасидан тушунмовчиликлар келиб чиқади. Бир қарашда “А” исмли шахс томонидан содир этилган қилмиш давомли жиноятға ўхшайди, чунки ЖКнинг 32-моддаси 3 қисмида “умумий қасд билан қамраб олинган ва ягона мақсадға йўналтирилган бир жиноят таркибини ташкил қилувчи бир-бириға ўхшаш бир неча қилмишлардан иборат бўлган жиноят такроран эмас балки давомли жиноят деб топилиши ҳақидаги қоида келтирилган”. Бироқ менинг фикримча “А” исмли шахс томонидан содир этилган мазкур қилмиш гарчи юқорида келтирилган норманинг “бир жиноят таркибини ташкил қилувчи, яъни ЖКнинг 118-моддаси билан тақиқланган жиноий қилмишнинг таркибини

ташқил қилувчи бир неча жиноий қилмишлардан иборат бўлса” деб белгиланган қисмига тўғри келсада мазкур норманинг “Умумий қасд билан қамраб олинган ва ягона мақсадга йўналтирилган” деган қисмига мувофиқ эмас, Чунки юқорида номи қайд этилган “А” исмли шахснинг ҳаракатларида қасд ҳам мақсад ҳам жиноятни ҳар сафар содир этган вақтида алоҳида алоҳида юзага келган, шу сабабли мазкур қилмиш ЖКнинг 118 - моддаси 2 - қисми “б” бандида келтирилган такроранлик белгиси билан квалификация қилиниши лозим бўлади.

Бошқа бир ҳолат, “А” исмли шахс “Б” исмли шахс билан ўрталарида келиб чиққан низо туфайли “Б” ни қасддан ўлдириш мақсадида унинг танасининг юрак соҳасига бир марта пичоқ билан зарба бериб, ҳаёти учун хавфли бўлган тан жароҳати етказган, бироқ ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатга кўра, яъни бошқа шахслар келиб қолганлиги сабабли мақсадига эриша олмади ва “Б” тез тиббий ёрдам ҳодимларининг ёрдами билан реанимация бўлимига ётқизилди ва “Б” даволаниб чиқади. Орадан тахминан 15 кун ўтиб “А” исмли шахс “Б”ни кўчада юриб кетаётганини кўради ва олдинги сафар уни ўлдириш мақсадини охирига етказолмаганлиги сабабли унинг орқасидан етиб олиб, танасининг бўйин соҳасига пичоқ санчади, натижа “Б” ҳодиса жойида вафот этади. Амалиётда кўпинча мазкур ҳолат ЖКнинг 32-моддаси 3-қисмида келтирилган “умумий қасд билан қамраб олинган ва ягона мақсадга йўналтирилган бир жиноят таркибини ташқил қилувчи бир-бирига ўхшаш бир неча қилмишлардан иборат бўлган(давомли) жиноят такроран содир этилган деб топилмайди” тарзидаги қоидага асосан давомли жиноят сифатида “А” нинг дастлабки ҳаракати ЖКнинг 25,97 ва кейинги ҳаракати ЖКнинг 97-моддаси 1 қисми билан квалификация қилиниб келинади. Бироқ мазкур ҳолатда “А” кейинги ҳаракати ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “р” бандида келтирилган такроранлик белгиси билан квалификация қилиниши лозим. Негаки, такроранлик белгиси сифатида турли вақтларда содир этилган мазкур жиноий қилмишлар умумий қасд билан қамраб олинмаган, яъни биринчи марта уни ўлдириш мақсадида юзага келган қасд ўзига боғлиқ бўлмаган

ҳолатда охирига етмай қолган ва орадан 15 кун вақт ўтганидан сўнг уни кўчада кўриб қолади уни ўлдиришга нисбатан янги қасд юзага келади.

Олий суд Пленумининг “Бир қанча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида”ги қарорининг 4-бандида “Жиноятлар такроранлигини бир қатор айнан ўхшаш хатти-ҳаракатлар билан турли вақтларда содир этилган бўлса-да, бироқ ягона қасд билан қамраб олинган, объекти ва содир этиш усули, оқибатлари бир хиллиги жиҳатидан ўзаро ўхшаш давомли жиноятдан фарқлаш лозим. Бундай ҳолларда барча қилмиш Жиноят кодексининг мазкур жиноятни содир этганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи битта моддаси ёки моддаси қисми билан квалификация қилиниши лозимлиги акс эттирилган.

Шунингдек ушбу пленум қарори 4-банди 2-хатбошисида “Давомли жиноят бир неча хатти-ҳаракатлардан охиргиси содир этилган пайтдан бошлаб тугалланган деб ҳисобланиши” келтириб ўтилган.

Агар биз юқоридаги ҳолатга давомли жиноят сифатида қарайдиган бўлсак, юқоридаги қоидаларга асосан “А” исмли шахс томонидан дастлабки марта “Б” исмли шахсни ўлдириш мақсадида танасининг юрак қисмига ошхона пичоғи ёрдамида тан жароҳати етказиши ва орадан бир мунча вақт ўтганидан сўнг уни кўчада кўриб, уни яна ўлдириш учун қасд юзага келганидан сўнг, “Б”нинг орқасидан етиб олиб, танасининг бўйин соҳасига ошхона пичоғини санчиши оқибатида “Б”нинг ҳодиса содир бўлган жойда вафот этиши ҳолатларини содир этилган хатти-ҳаракатлардан охиргиси содир этилган пайтдан бошлаб тугалланган деб ҳисоблаб давомли жиноят сифатида ЖКнинг 97-моддаси 1-қисми билан квалификация қилишимиз лозим эди. Бироқ юқоридаги ҳолатни давомли жиноят сифатида квалификация қилиш нўтоғри, чунки “А” “Б”ни иккинчи марта кўриб уни ўлдирганида, уни ўлдиришга нисбатан янги қасд вужудга келган ва ушбу қасд билан уни ўлдирган, шу сабли мазкур ҳолатни умумий қасд билан қамраб олинган ва ягона мақсадга йўналтирилган ҳолат сифатида баҳолашимиз нотоғри.

Шу билан бирга, такрорий жиноятларни узоққа чўзилган жиноятлардан ҳам фарқлашимиз лозим.

Жиноят кодекси 32-моддасининг 4-қисмида узоққа чўзилган жиноятга қуйидагича таъриф берилган. Узоққа чўзилган жиноят «вазифаларини узоқ вақт мобайнида бажармасликдан иборат бўлиб, бир жиноятнинг узлуксиз таркибини ташкил қилган қилмишни содир этишдир». Ушбу таърифда узоққа чўзилган жиноятларнинг бошланиш ва тамомланиш вақти кўрсатилмаган. Узоққа чўзилган жиноятнинг хусусияти шундаки, жиноят муайян ҳаракат ёки ҳаракатсизлик амалга оширила бошланган пайтдан бошланади ва шу қилмиш тўхтатилгунга қадар узлуксиз давом этади.

Узоққа чўзилган жиноят таркибини бошқа барча жиноят таркиблари турларидан ажратувчи яна бир хусусият – бу муайян ҳаракатни амалга ошириш мажбуриятининг мавжудлигидир. Ушбу мураккаб бир марталик жиноятнинг бу тури вазифаларни бажармасликнинг ниҳоясига етиш пайтидан тугалланган деб ҳисобланади, чунки узоққа чўзилган таркибли жиноятларнинг объектив томони қасднинг ягоналиги ва жиноий қилмишнинг бошланғич босқичи ва айбдорнинг кейинги ҳаракатлари ўртасидаги ички боғлиқлик билан қамраб олинандиган бутун давр мобайнида амалга оширилади. Муайян вақтда давом этувчи ягона жиноятини ташкил қиладиган вазифаларни узоқ вақт бажармаслик ҳам битта умумий қасдга йўналтирилган бўлади. Канча вақт мобайнида амалга оширилишидан қатъи назар, битта жиноят сифатида квалификация қилинади. Узоққа чўзилган жиноятларга мисол тариқасида ЖКнинг 290-моддаси билан таъқиқланган ўзининг бирон бир аъзосини майиб қилиш йўли билан ёки бошқа усулда харбий хизматдан буйин товлаш, 138-модда билан таъқиқланган зўрлик ишлатиб гайриконуний равишда озодликдан маҳрум қилиш, шунингдек, 248-моддада кўрсатилган курол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурималарига конунга хилоф равишда эгалик қилиш жиноятларини келтиришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида узоққа чўзилган жиноятларнинг бошланиш ва тамомланиш вақти кўрсатилмаган. Амалиётда

узоққа чўзилган жиноятлар икки сабабга кўра тухтайди, яъни улар:

- ихтиёрий;
- мажбурий.

Ихтиёрийлик шундан иборатки, шахс ҳаракатини ўз ташаббуси билан тўхтатади. Масалан, озодликдан маҳрум қилиш муассасаларидан қочган маҳкумнинг ўз ихтиёри билан ўзини ҳуқуни муҳофаза қилувчи органларга топширади. Мажбурийликда эса, шахс жинойий ҳаракатини давом эттиришга уринади, бироқ, унга бошқа шахслар ёки тегишли органлар аралашуви натижасида қилмишни мажбуран тўхтатади. Масалан, озодликдан маҳрум қилишжойидан қочган шахс ички ишлар идоралари ходимлари томонидан қўлга олинади. Шунга қўшимча равишда қилмишни давом эттириш имкониятидан маҳрум қилувчи ҳолатни юзага келишига сабаб сифатида шароит ўзгаришини киритиш мумкин. Масалан, ЖКнинг 122-моддаси шартларига мувофиқ айбдор уч ойдан ортиқ муддатда вояга этмаган шахсни моддий таъминлашдан буйин товлаб қочиб юрганда, жабрланувчи вояга этиши (18 ёшга тўлиши).

Хулоса қилиб айтганда, узоққа чўзилган жиноятларни такрорий жиноятлардан фарқи шундаки, улар бир марталик бажариладиган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик натижасида бошланади ва кейин қанча вақт давом этишидан қатъи назар, ягона жиноят каби квалификация қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг кўрилаётган муаммога бағишланган қарори узоққа чўзилган жиноятларни ҳуқуқий баҳолаш ва бир қанча жиноят содир этиш шаклларида ажратиш буйича ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини шакллантиришга имкон беради. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш буйича суд амалиёти тўғрисида»ги 2000-йил 15-сентябрь 23-сонли қарорининг 2.3-бандида: «Дезертирлик деганда, ҳарбий хизматдан бутунлай буйин товлаш мақсадида ҳарбий қисмни ёки хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш, шунингдек ўша мақсадда хизмат жойига этиб келмаслик

тушунилади. Шахс ҳарбий хизматдан буйин товлаш мақсадида ҳарбий қисм ёки хизмат жойини тарк этган пайдан бошлаб дезертирлик жинояти тамом бўлган ҳисобланади. Бундай мақсад мавжуд бўлганда ўзбошимчалик билан ўз жойида бўлмасликнинг давомийлиги аҳамият касб этмайди¹³» деб белгиланган.

Шунга эътибор қаратиш лозимки, агар шахс узоққа чўзилган жиноятни содир этиш жараёнида бу жиноят билан боғлиқ, аммо мустақил таркибли жиноят содир этган бўлса, бу қилмиш узоққа чўзилган жиноят сифатида эмас, балки жиноятлар жами каби квалификация қилинади. Чунки ушбу ҳолатда шахс узоққа чўзилган жиноят давомида янги мустақил жиноят содир этади. Мисол учун, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадида ғайриқонуний сақлаётган шахс, шу моддалардан фойдаланиб бошқа шахсни уни истеъмол қилишга жалб қилса, шахс ушбу ҳаракатлари билан ЖКнинг 273 ва 274-моддалари билан тақиқланган бир қанча жиноятларни содир этган ҳисобланади.

Энди бевосита такрорий жиноятларнинг белгилари ва уларга нисбатан олимларнинг фикрига тўхталамиз.

Такрорийликда фақат жиноятчи шахсининг эмас, балки содир этилган қилмишнинг ҳам ижтимоий хавфлилиги ошиб боради. Такрорийликни ташкил этувчи икинчи ва кейинги жиноятлар катта хавф туғдиради, чунки жиноят ҳуқуқи томонидан қўриқланадиган ижтимоий муносабатлар ва кўплаб жабрланувчиларга зарар етказади. Шунинг учун ҳам қонун чиқарувчи такроранликни ЖК Маҳсус қисмининг бир қанча моддаларида квалификация белгиси сифатида киритган. (масалан, ЖК 97-моддаси 2-қисми “р” банди, 118-моддаси 2-қисми “б” банди, 135-моддаси 2-қисми “а” банди ва ш.к.).

Жиноят кодексида назарда тутилган алоҳида ҳолларда жиноятни такроран содир этиш нафақат бир хил, балки бир турдаги ёки турли турдаги жиноятларнинг бирикувидан ташкил топади. Масалан, ЖКнинг 118-моддаси

¹³ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш буйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарор. <http://www.lex.uz>

билан таъқиқланган номусга тегиш жиноятини содир этгандан сўнг содир этилган жинсий эҳтиёжини зўрлик ишлатиб ғайритабiiй усулда қондириш (ЖК 119-моддаси) ёки аёлни жинсий алоқа қилишга мажбур қилиш (ЖК 121-моддаси) каби бир турдаги жиноятларни айбдор бу жиноятларнинг бирортаси учун ҳам судланмаган тақдирда такроран жиноят содир этиш деб квалификация қилиш лозим.

Ҳар хил турдаги жиноятларни такроран содир этиш деганда содир этилган ижтимоий ҳавфли қилмиш учун жавобгарлик жиноят кодекси махсус қисм моддаларида алоҳида назарда тутилган ва мазкур тажовуз махсус қисмнинг турли бобларига тегишли жиноятларнинг содир этилиши тушунилади. Бошқача қилиб айтганда, кейинги ижтимоий ҳавфли қилмишда турли хил турдош объектларга тажовуз қилинади. Жиноят кодексида бу турдаги жиноятлар жуда кўп учрайди, уларга куйидагиларни мисол тариқасида келтиришимиз мумкин: ЖК 104-моддаси 3-қисми “б” банди, 105-моддаси 2-қисми “к” банди ЖК 97-моддаси билан биргаликда; ЖК 128-моддаси 2-қисми “б” банди ЖК 118 ва 119-моддалари билан биргаликда; ЖК 131-моддаси 2-қисми “б” банди ЖК 135 ва 137-моддалари билан биргаликда ва бошқалар.

Шахснинг содир этган жиноятлардан бирортаси учун ҳам судланганлик фактининг йўқлиги – такроран жиноят содир этишни жиноятлар рецидивидан фарқлашга имкон берувчи асосий белгилардан биридир.

Битта қилмишда такроранлик билан бир қаторда жиноят кодекси мазкур моддасининг бошқа қисмларида кўрсатилган квалификация белгилари мавжудлиги аниқланган ҳолларда қилмиш оғирроқ жавобгарликни назарда тутувчи норма билан квалификация қилинади. Масалан, талончилик жинояти содир этилганда ЖК 166-моддасининг 3-қисмида кўрсатилган такроранлик белгиси ва ушбу модданинг 4-қисмида кўрсатилган бошқа квалификация белгилари аниқланган бўлса, қилмиш ЖК 166-моддасининг 4-қисми билан квалификация қилиниши лозим. Бундай ҳолларда тегишли модданинг бошқа қисмларида кўрсатилган жиноятнинг квалификация белгилари айб

мазмунига киритилиши ва шахсни жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарор ва ҳукмда кўрсатилиши шарт.

Жиноят қонунига кўра, такроран жиноятни содир этиш белгилари тугалланган ва тугалланмаган жиноятларга ҳам, шунингдек иштирокчиликда содир этилган жиноятларга ҳам тегишлидир. Демак, тугалланмаган ва иштирокчиликда содир этилган жиноятлар ҳам жинойий жазога сазовор ҳуқуқ-атвор деб топилади ва жиноят кодексининг махсус қисми тегишли моддалари бўйича умумий қисм 25-моддасини қўллаган ҳолда квалификация қилинади. Иштирокчиликда содир этилган жиноятларга ҳам квалификация қоидалари айбдорнинг роли ва иштирокчилик шакли кўрсатилган ҳолда қўлланилади.

Бир гуруҳ олимлар, такроран жиноят содир этиш тушунчасига жиноят қонунчилигидан келиб чиқиб таъриф берар экан, бунда такроран жиноят содир этиш жиноятининг турли вақтларда камида икки марта содир этилганлиги, содир этилган жиноятнинг ўхшашлиги ва бу жиноятларнинг бирортаси учун айбдор шахснинг судланмаганлиги каби белгиларни санаб ўтади.

М.Рустамбоевнинг фикрича, такроран жиноят содир қилиш - айнан бир хил жиноятни иккинчи, учинчи ва ҳоказо марта содир қилишдир. Бошқа ўзбек олимлари А.К.Ирқаходжаев ва У.Ш.Халикуловлар такроран жиноят содир этиш бир қанча жиноятларнинг мустақил шакли бўлиб, бир қатор ўзига хос белгиларга эга эканлигини қайд этади. Шу билан бирга такроран жиноятларни жиноят қонунчилигида назарда тутилган икки ёки ундан ортиқ ўхшаш жиноятлар ташкил қилишини, шахс илгари содир этган жиноятларнинг бирортаси учун ҳам судланмаган бўлиши кераклини таъкидлайди¹⁴.

Кўришимиз мумкинки, такроран жиноят содир этиш тушунчасига олимлар турли хил таърифлар беришади. Қонунчилигимизда такроран жиноятни содир этиш ЖК махсус қисми моддаларида квалификация

¹⁴ Ирқаходжаев А.К, Халикулов У.Ш. научнке основк квалификации преступлений. Учебное пособие. –Т.. Издательство ТГЮИ, 2007. -60.

килишнинг зарурий белгиси сифатида кўрсатилган бўлиб, айнан олдинги жиноятга ўхшаш жиноят, кодексда алоҳида кўрсатилган ҳолларда ЖКнинг бошқа моддаларида назарда тутилган жиноят содир этилган бўлса, шу модданинг такроран ёки ҳавфли рецидивист томонидан содир этилган жиноят учун жавобгарликни назарда тутувчи нормаси билан квалификация қилинади.

Бирок, Д.Каракетова ўз қарашларига таяниб такроран ва ҳавфли рецидив жиноятга бир ҳилда жазо тайинланиши ЖКнинг 8-моддасида белгиланган одиллик принципига зидлигини таъкидлайди ва ЖКда белгиланган одиллик принципи бузулишига мисол тариқасида такроран ва ҳавфли рецидивист томонидан содир этилган безорилик жинояти учун шахс ЖК 277-моддасининг айнан бир қисми ва бандида жавобгарлик назарда тутилганлигини келтириб ўтади ҳамда ушбу муаммога ечим сифатида такроран ва ҳавфли рецидивист томонидан содир этилган жиноят учун жавобгарликни 277-модданинг алоҳида қисмларида белгилаш мақсадга мувофиқлигини қайд этади¹⁵.

Амалиётда такроран жиноят содир этиш инстиути билан боғлиқ муаммолар сифатида қуйидаги ҳолатларни келтиришимиз мумкин.

Маҳаллий жиноят қонунчилигимизга назар ташлайдиган бўлсак, ЖКнинг 32-моддасида “ЖК маҳсус қисмининг айнан бир моддасида, қисмида, кодексда алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса, турли моддаларида назарда тутилган икки ёки бир нечта жиноятни шахс турли вақтларда содир этган, аммо уларнинг бирортаси учун ҳам судланган бўлмаса, такроран жиноят содир этиш деб топилади” деб белгиланган, кўриб туришимизки, такроранлик белгиси сифатида кодексда алоҳида кўрсатилган ҳолларда маҳсус қисмининг турли моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этиш тушунчаси келтириб ўтилган ва бир қанча моддаларнинг бандларида илгари ЖКнинг бошқа бир моддасида назарда тутилган жиноий қилмишлар учун жавобгарлик белгиланган. Масалан, ЖК 104-моддаси 3-қисм “б” банди, ЖК 105-моддаси 2-қисм “к” банди, ЖК 164-моддаси 3-қисм “а” банди ва бошқалар.

¹⁵ Д.Каракетова. Такрорий жиноят ва унинг белгилари. //Huquq va burch -2012. -№16. Б56.

Бирок, ЖКнинг бир қанча моддаларида назарда тутилган нормаларга ўхшаш ҳолатлар учун фақатгина бошқа моддаларда эмас, балки тегишли моддаларнинг қисм ва бандларида жавобгарлик белгиланган. Масалан, дастлаб ЖКнинг 164-моддаси билан тақиқланган босқинчилик жиноятини баданга оғир тан жароҳати етказган ҳолатда содир этилган ва мазкур қилмиши учун судланмаган шахс томонидан кейинчалик ЖКнинг 104-моддаси билан тақиқланган қасддан баданга оғир тан жароҳати етказиш жинояти содир этилганда қилмиш ЖКнинг 164-моддаси ҳамда 104-моддаси 1-қисми билан квалификация қилинади. Бирок, фикримча, мазкур ҳолатда гарчи жиноятнинг объекти турли хил бўлсада, икки ҳолатда ҳам баданга оғир тан жароҳати етказиш ҳолати юз берганлиги сабабли қилмиш ЖК 164-моддаси ва 104-моддаси 3-қисми “б” банди билан, яъни такроран ёки хавfli рецидивист томонидан деб белгиланган қисми билан квалификация қилиниши лозим бўлади.

Бошқа бир ҳолат, муқаддам ЖКнинг 271-моддаси билан тақиқланган гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни қонунга ҳилоф равишда, *ўғрилиқ ёки фирибгарлик* ёли билан эгаллаш жиноятини содир этган ва мазкур қилмиши учун судланмаган шахс томонидан кейинчалик ЖКнинг 168, 169-моддалари билан тақиқланган *ўғрилиқ ёки фирибгарлик* жиноятини содир этган шахснинг қилмиши ЖКнинг 271-моддаси ҳамда 168-моддаси 3-қисми “б” банди ёки 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан квалификация қилиниши лозим бўлади, чунки биринчи ҳолатда қонун билан тақиқланган *гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни* ўғрилиқ ёки фирибгарлик йўли билан қўлга киритса кейинги ҳолатда ўзганинг мол-мулкини алдаш ёки ишончни суистеъмол қилиш ёки яширин равишда талон тарож қилиш йўли фирибгарлик ёки ўғрилиқ жиноятини содир этиб қўлга киритади. Яъни ҳар икала ҳолатда ҳам жиноятни содир этиш усул ва воситалари айнан ўхшаш бўлади.

Яна бир ҳолат ЖКнинг 247-моддасида “Ўқотар қурол, ўқ-дорилар,

портловчи моддалар, портлатиш қурилмаларини ўғрилик ёки фирибгарлик йўли билан қонунга ҳилоф равишда эгаллаш” учун жавобгарлик белгиланган ва ушбу модданинг 2-қисми “в” бандида мазкур қилмишнинг ўзлаштириш, растрата қилиш ёхуд мансаб мавқеини суистемол қилиш йўли билан, “г” бандида талончилик, “д” бандида таъмагирлик йўли билан ва 3-қисм “а” бандида босқинчилик йўли билан содир этилган ҳолатларда жавобгарлик белгиланган. Бироқ шахс томонидан дастлаб ЖКнинг 247-моддаси ва модданинг юқорида кўрсатилган бандларида назарда тутилган жиноят содир этилиб судланмаган шахс томонидан орадан бироз вақт ўтганидан сўнг ЖКнинг 164, 166, 167, 168, 169-моддаларида назарда тутилган қилмишлардан бири содир этилган ҳолларда шахснинг қилмиши ЖКнинг 247-моддаси ва кейинги жинояти учун жавобгарлик белгиланган тегишли моддалари билан квалификация қилинади. Масалан, ЖК 247-моддаси 3-қисми “а” банди(босқинчилик ёли билан)да назарда тутилган жиноятни содир этиб, судланмасдан ЖКнинг 164-моддаси билан тақиқланган босқинчилик жиноятини содир этган шахснинг ҳаракатлари ЖК 247-моддаси 3-қисми “а” банди ва 164-модданинг 1-қисми билан эмас, балки 164-модданинг 3-қисми “а” банди(такроран)лик белгиланган банди билан квалификация қилиниши лозим. Чунки, мазкур ҳолатда гарчи жиноятнинг объекти турли хил бўлсада, ҳар иккала ҳолатда жиноят босқинчилик ёли билан амалга ошириляпти яни жиноятни содир этиш усули такрорланяпти. Худди шунингдек ЖКнинг 251 ва 252-моддалари ва уларнинг бандларида ҳам ЖКнинг 164, 166, 167, 168, 169-моддаларида назарда тутилган қилмишлар учун жавобгарлик назарда тутилган ҳолатлар келтириб ўтилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, такроран содир этилган жиноятларни квалификация қилишнинг ўзига хос хусусиятлари шундаки, у бир нечта ўхшаш жиноятлар содир этилишига қарамай, унга битта норма сифатида юридик жихатдан баҳо берилади. Масалан, айбдор олти маротаба турли жойларда мустақил таркибли ўғирлик жиноятини содир

этди ва жавобарликка тортилдганда, содир этилган қилмиш ЖК 169-моддаси 3-қисмининг «а» банди билан квалификация қилинади. Олти маротаба содир этилган мустақил таркибли ўғирлик жиноятлари алоҳида квалификация қилинмайди, чунки такроранлик бир неча ўхшаш мустақил таркибли жиноят содир этиш фактларини ўз ичига олади.

Шуни ҳам қайд этиш жоизки, такроран жиноятларнинг қонунда белгиланган таърифи уни қўллаш жараёнида битта ҳолатни икки маротаба ҳисобга олиш, жиноятлар мажмуини квалификация қилиш ва унга нисбатан жазо тайинлашда икки хил ҳисоблашга олиб келганлиги сабабли бир қанча олимлар томонидан такроран жиноят атамасидан воз кечиш таклиф қилинмоқда. Шунингдек, юқорида фикрлари қайд этилган олимлар такроранлик белгиси жиноят ҳуқуқида айбдор шахслар жавобгарлигини нисбатан аниқроқ ажратишга ва индивидуаллаштиришга хизмат қилувчи қўшимча ричаг бўлгани ҳолда мазкур ричагдан воз кечмасликни ва уни янада такомиллаштириш ҳамда суд-тергов амалиётида такроран жиноятлар билан боғлиқ ҳолда вужудга келаётган мавжуд қарама-қаршиликларни бартараф этиш лозимлигини таъкидлаб ўтадилар.

Хорижий давлатлар қонунчилигига назар ташлайдиган бўлсак, кўпгина ғарб давлатлари қонунларида такроранлик жиноий-ҳуқуқий аҳамият касб этмайди, яъни квалификация қилиш белгиси сифатида аҳамиятга эга эмас. Такроран жиноят содир этиш институти фақатгина айрим МДХ давлатлари жиноят қонунчилигида сақланиб қолган ҳолос. МДХ давлатлари ҳуқуқшунос олимлари ва амалёт вакиллари ҳам жиноят қонунчилигидан такроран жиноят-жиноят ҳуқуқининг одиллик принципига зид эканлигини таъкидлаб келмоқда. Масалан, Испания давлатининг 1995 йилдаги Жиноят кодексида такроран жиноят содир этиш тушунчаси мавжуд эмас. А.И.Сорокин МДХ давлатлари жиноят қонунчилигидаги ижобий жараёнлардан бири сифатида бир қанча жиноятлар институтидан такроран жиноят институтини чиқариб ташлаш йўли билан бир қанча жиноят институти шакллариининг ислоҳ қилинаётганлигини, бу

эса одиллик принципига риоя этилишига кўмаклашишини¹⁶ таъкидлайди.

Шу ўринда қайд этиш мумкунки, бугунги кунда жиноят қонунчилигида такроран жиноят содир этиш ва унинг таркиби ҳисобланувчи давомли ҳамда узокқа чўзилган жиноятлар институтларидан Россия ва Молдова давлатлари воз кечишган. Ушбу давлатларнинг амалдаги Жиноят кодексидан такроран жиноят институти бутунлай чиқариб ташланган ва агарда такроран жиноят содир этилса ушбу ҳолатлар жиноятлар мажмуи тарзида квалификация қилинади.

2.2 Жиноятлар мажмуи мавжудлигида жиноятларни квалификация қилиш

Жиноятлар мажмуи деганда, Жиноят кодекси махсус қисмининг турли моддаларида ёки битта моддасининг турли қисмларида келтирилган, шахснинг уни содир этганлиги учун жавобгарлик назарда тутилган, икки ёки ундан ортиқ жиноятни содир этиши тушунилади. Жиноятлар мажмуининг зарурий белгиси шахс содир этган бир қанча жиноятларининг бирортаси учун ҳам судланмаган бўлишлигидир. Яъни, жиноятлар мажмуига кирувчи қилмишларнинг барчаси судлангунга қадар содир этилиб, ҳали суд томонидан муҳокама қилинмаган ва айблов ҳукми чиқарилмаган бўлади. Жиноятлар мажмуида қилмишнинг қасддан ёки эҳтиётсизлик натижасида содир этилганлиги аҳамиятга эга бўлмасдан, ушбу қилмишлар фақат шахс судлангунга қадар содир этилган жиноятлардан ташкил топган бўлишлиги лозим.

Юқорида келтирилган нормалардан келиб чиққан ҳолда, содир этилган бир қанча жиноятларни жиноятлар жами сифатида квалификация қилиш учун қуйидаги бир қанча зарурий элементларга таянамиз.

- шахс томонидан икки ёки ундан ортиқ жиноятларни содир этилганлиги;

¹⁶ А.И.Сорокин. Множественность преступлений и ее уголовно-правовая оценка. Автореферат диссертации на соискание учёной степени кандидата юридических наук по специальности 12.00.08 – уголовное право и криминология, Уголовно-исполнительное право. Москва, 2008. –С.12.

- содир этилган ҳар бир алоҳида жиноятнинг ЖК махсус қисми турли моддаларида ёки битта моддасининг турли қисмларида назарда тутилганлиги;
- барча жиноятларнинг суд томонидан белгиланган тартиба ҳукм чиқарилгунга содир этилганлиги.

Содир этилган бир қанча жиноятларни жиноятлар жами сифатида квалификация қилишда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, содир этилган жиноятлар учун ЖКнинг 64-моддасида назарда тутилган жавобгарликка тортиш муддатлари ўтиб кетмаган бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикасининг жиноят қонунчилигига кўра жиноятлар мажмуини ташкил этувчи жиноятлар ЖК махсус қисмининг содир этилган жиноятларга мувофиқ келувчи алоҳида жиноятларга доир нормаси билан квалификация қилиниши ва жиноятлар мажмуида доимо жиноят қонунининг бир нечта моддалари (камида иккита) қўлланилиши белгиланган. Масалан, шахснинг Жиноят кодексининг 164-моддаси билан таъқиқланган босқинчилик жиноятини содир этганидан сўнг, ушбу жиноят учун судланмай туриб, вақт ўтиши билан ЖК 277-моддаси билан таъқиқланган безорилик жиноятини содир этиши иккита алоҳида таркибли жиноятларни турли вақтларда содир этилиши деб топилиб, жиноятлар жами бўйича квалификация қилинади ва ушбу ҳолат, яъни шахснинг ЖК Махсус қисмининг турли моддаларида ёки битта моддасининг турли қисмларида назарда тутилган жиноятларни содир этиши қилмишнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилигини оширади.

Ҳуқуқий ва мантиқий жиҳатдан қараганда жиноятлар мажмуи тушунчаси жиноятлар такроранлиги тушунчасидан бир мунча кенг бўлиб, такроранлик жиноятлар мажмуининг бир кўриниши ҳисобланади. Соддарок қилиб айтганда, ҳар қандай икки ва ундан ортиқ жиноят содир этилиши- жиноятлар мажмуини ташкил этади, аммо улардан барчаси доимо ҳам жиноятлар такроранлигини ташкил қилаолмайди.

Маълумки, амалиётда такрорий жиноятлар ва жиноятлар мажмуининг бир-бирига ухшайдиган кўплаб белгиларига дуч келамиз ва бу белгилар

қилмишни квалификация қилишда бир қанча қийинчиликлар туғдириши табиий. Шу сабабли бир қанча жиноятларнинг ушбу шакллари буйича жиноятларни квалификация қилишда уларни бир-биридан фарқлаш зарурати юзага келади. Жиноятлар мажмуи такроран содир этилган жиноятлардан қуйидаги фарқлари билан ажралиб туради:

1. такроран содир этилган жиноятда – бир-бирига ўхшаш жиноятлар содир этилади, жиноятлар мажмуида эса турли хилдаги жиноятлар содир этилади;
2. такроран содир этилган жиноятлар битта норма билан (битта модданинг, битта қисми) квалификация қилинса, жиноятлар мажмуида эса, бир неча модда (қисм) ва ҳар бир жиноят ЖК махсус қисмининг мустақил таркибли моддаси ёки қисмига мос келади.

Бир қанча жиноятларнинг бу икки турини ажратишда баъзи қийинчиликлар ҳам юзага келади. Масалан, такроран содир этилган жиноятлар жиноят қонунида алоҳида назарда тугилган ҳолларда турли моддаларда белгиланган жиноятларни содир этганда ҳам келиб чиқади, бу эса уни жиноятлар мажмуидан фарқлашда айрим қийинчиликларни келтириб чиқаради. Бу ҳолда қилмишга ҳуқуқий баҳо бериш такроран ва жиноятлар мажмуи қоидаларидан келиб чиқади ва ҳар иккиси бир вақтнинг ўзида қўлланилади. Масалан, ЖКнинг 97-моддаси билан қўриқланадиган қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этса ва орадан маълум бир вақт ўтгач ЖК 104-моддаси 1-қисмида жавобгарлик белгиланган қилмишни содир этса, яъни бошқа бир шахснинг баданига қасддан оғир тан жароҳати этказса, айбдорнинг қилмиши ЖК 97-моддасининг 1-қисми ва қасддан баданга оғир шикаст етказишнинг такроран содир этилганлиги учун жавобгарликни назарда тутувчи квалификация белгиси ЖК 104-м 3-қ «б» банди билан квалификация қилинади. Яъни, ЖК махсус қисмида алоҳида ўрнатилган икта нормани бузганлигидан қатий назар, унинг қилмиши жиноятлар мажмуи бўйича эмас, балки такроранлик белгиси билан квалификация қилинади. Жиноятлар мажмуи мавжуд бўлганда эса, айбдор

шахс ўзи содир этган ҳар бир жиноят учун ЖК тегишли моддаси ёки моддасининг қисми бўйича жиноий жавобгарликка тортилади. Зеро, ўзбек олими М.Х.Рустамбоев жиноят қонунини нотўғри қўллаш ҳоллари, яъни ҳар бир жиноят учун алоҳида жазо тайинламасдан жиноятлар жами бўйича жазо белгилаш, алоҳида жиноятлар учун жазо тайинлаб, жиноятлар жами бўйича қатъий жазо белгиламаслик ҳукмнинг бекор бўлишига олиб келади деган фикрни илгари сурган¹⁷.

Энди бевосита жиноятлар мажмуида юзага келадиган ҳолатларга юзланамиз.

Жиноятлар мажмуига кирувчи жиноятлардан бири қасд, бошқаси эса эҳтиётсизлик шаклида содир этилган бўлса, масалан, бир шахс қасддан ўлдирилса ва бошқа шахс эҳтиётсизлик оқибатида ҳаётдан маҳрум этилса, ҳатто жиноятлар объекти, объектив томони ва келиб чиққан оқибатлари жиҳатидан бир хил бўлганда ҳам, ҳар бир қилмиш Жиноят кодексининг қасддан ва эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутувчи моддалари билан алоҳида квалификация қилиниши керак. Масалан, Б. исмли шахс томонидан содир этилган эҳтиётсизлик оқибатида Жиноят кодексининг 111-моддаси 1-қисмида назарда тутилган баданга ўртача оғир шикаст етказиш билан боғлиқ жиноят содир этилган бўлиб, у ушбу жинояти учун муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат қўлланилиб тергов ҳаракатлари олиб борилаётган даврда, яъни, олдинги жиноятни содир этганидан сўнг муайян муддат ўтгач, алоҳида жиноий таркибини ташкил этувчи Жиноят кодексининг 118-моддаси 1-қисмида назарда тутилган номусга тегиш жиноятини содир этган бўлса, бундай ҳолатда бир қанча жиноят содир этилишининг жиноятлар мажмуи кўриниши мавжуд бўлади ва жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилинади.

Жиноятлар жами тушунчасига жиноят ҳуқуқи назарияси соҳасидаги

¹⁷ М.Х.Рустамбаев. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Умумий қисм. 1-жилд: Жиноят тўғрисида таълимот. ОТМ учун дарслик. – Т.: «ТДЮИ» нашриёти, 2010. – Б 410.

кўплаб олимлар турлича фикрлар билдиришган бўлиб, уларни қуйидаги гуруҳларга ажратиб таҳлил қиламиз.

Биринчи гуруҳ олимлари, жиноятлар мажмуи тушунчасига ЖКнинг 33-моддаси қоидаларидан келиб чиққан ҳолда жиноятлар мажмуи учун асос сифатида шахснинг содир этган қилмиши учун судланмаганлигини келтирадилар. Улардан бири, Д.В.Бушков жиноятлар мажмуи деганда шахс томонидан ЖК махсус қисмининг турли моддалари ёки битта моддаси турли қисмларида назарда тутилган икки ёки ундан ортиқ мукстақил ҳаракат ёки ҳаракатсизликлар башарти уларнинг бирортаси учун шахс судланмаган бўлса, яъни, улар учун жиноий жавобгарликка тортиш асослари сақланиб қолган бўлса, жиноятлар мажмуи деб топилишини қайд этади¹⁸.

Иккинчи гуруҳ олимлари эса, шахснинг илгари содир этган жиноятлари учун тайинланган жазони тўлиқ ўтаб бўлгунга қадар икки ёки ундан ортиқ жиноятларнинг содир қилишига жиноятлар мажмуи сифатида таъриф беради. Хусусан, И.Г.Возжанникова ҳам битта шахс томонидан илгари бирорта қилмиши учун суд томонидан ҳукм қилинмаган ёки илгари содир қилган жиноятлари учун жазони тўлиқ ўтаб бўлгунга қадар икки ёки ундан ортиқ янги жиноятларнинг содир қилинишини жиноятлар мажмуи сифатида эътироф этади¹⁹.

Учинчи гуруҳ олимлари, жиноят қонунчилигидаги жиноятлар жами билан жиноятлар мажмуи тушунчаларига синоним сифатида қарайди. Жумладан ўзбек олими Д.Пайзиев ушбу тушунчалар заминида қоида тариқасида икки ёки ундан ортиқ жиноятнинг содир этилиши ётишини таъкидлайди²⁰. Шунинг учун жиноятлар жами тушунчаси олимлар томонидан илмий жиҳатдан батафсил ёритилганда, асосан, жиноятлар мажмуи тариқасида таъриф берилади.

¹⁸ Д.В.Бушков, Уголовно-правовая оценка совокупности преступлений в толкованиях Пленума верховного суда РФ. // Научный журнал КубГАУ - №104(10). -2014 года.

¹⁹ А.В.Козлов. Ответственность за совокупность преступлений. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. –Москва, 2006.-6С.

²⁰ Д.Ю.Пайзиев. жиноят ҳуқуқида бир қанча жиноят содир этиш. Ўқув амалий қўлланма. –Т. ИИВА.2016

Тўртинчи гуруҳ олимлари, жиноятлар мажмуи сифатида айбдор шахснинг ҳукм чиққунга қадар содир этган жиноятларини эътироф этишади. Хусусан, С.Г.Спивакнинг фикрича, Жиноят кодекси маҳсус қисми моддаларида нисбатан қаттиқроқ жазо назарда тутилган, илгари бирортаси учун судланмаган икки ёки ундан ортиқ жиноий қилмишлар, шунингдек, содир этган жинояти учун ҳукм чиққунга қадар содир этган жинояти (жиноятлар) жиноятлар мажмуи деб тушунилади²¹.

Ҳуқуқ назариясига кўра, жиноятлар мажмуи реал ва идеал турга бўлинади. Жиноятлар мажмуининг бу икки турига ҳуқуқшунос олим Д.Бушков куйидагича таъриф берган: жиноятларнинг реал мажмуида икки жиноят тури икки хил ҳаракатлар билан содир этилиб, идеал мажмуида битта ҳаракат билан бир қанча жиноятлар таркиби амалга оширилар экан, жиноятларнинг реал ва идеал мажмуи ўртасидаги фарқ энг аввало, жиноятнинг обектив томонида намоён бўлади²². Демак содир этилган қилмишни реал ёки идеал жиноятлар мажмуига ажратишимиз учун биз содир этилган жиноятни обектив томонига яъни қилмишнинг ҳаракат ёки ҳаракатсизлик оқибатида содир этилганлигига эътиборимизни қаратишимиз лозим.

Энди бу икки ҳуқуқий атамаларнинг маъно ва мазмунига батафсил тўхталамиз.

Жиноятлар реал мажмуи икки ва ундан ортиқ, ҳар қайсиси жиноят кодексининг маҳсус қисми турли моддаларида (моддаларининг турли қисмларида) назарда тутилган муайян жиноят таркибини ташкил этувчи жиноий қилмиш содир этилганда юзага келади. Яъни, айбдор шахс ҳар хил мустақил ҳаракатлар билан икки ёки ундан ортиқ жиноятлар содир этади. Реал жиноятлар мажмуини квалификация қилишда унчалик қийинчилик ва муаммо

²¹ Спивак.С.Г назначение наказания по совокупности преступлений и совокупности приговоров диссертация кандидата юридических наук : 12.00.08 / Спивак Светлана Геннадьевна; (Место заўитк: ГОУВПО “Российская академия правосудия”). –Москва, 2008.-211с.

²² И.Г.Возжанникова. Рецидив преступлений в уголовном праве России: понятие, видк, значение. Диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук по специальности 12.00.08-уголовное право и криминалогия; уголовно-исполнительное право. –Москва, 2014. -60с.

кузатилмайди. Чунки кўп ҳолларда реал жиноятлар мажмуи ўзаро фарк килувчи мустақил таркиблардан ташкил топганлигини кўрсатувчи аниқ белгилар мавжуд бўлади. Масалан, жинсий жиноят содир этган шахснинг бошқа бир куни босқинчилик ёки ўғрилик жиноятини содир этиши, бир-бири билан боғлиқ бўлмаган шароит ва вақтда бўлганлиги сабабли, ҳар бири мустақил равишда таҳлил қилинади ва квалификация қилинади. Мисол учун, шахс томонидан Жиноят кодекси 168-моддаси 1-қисми ҳамда 97-моддаси 1-қисмида назарда тутилган ҳар қайсиси муайян жиноят таркибини ташкил этувчи жиноятлар содир этилиши ҳолатини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Мазкур ҳолатда шахс дастлаб ўзганинг мулкини алдаш ёки ишончини суистеъмол қилиш йўли билан эгаллаш, яъни ЖКнинг 168-моддаси билан кўриқланадиган жиноятни содир этган бўлса, орадан маълум бир вақт ўтгач қасддан одам ўлдириш (97-м.) жиноятини содир этади ва мазкур қилмишлар жиноят ҳуқуқи назариясига кўра жиноятларнинг реал жами саналади.

Жиноятларнинг реал жамида аввал содир этилган жиноят билан кейинги содир этилган жиноят ўртасида ЖКнинг 64-моддасида назарда тутилган муддатлар ўтиб кетмаган бўлиши зарурий белги ҳисобланади. Агар ушбу муддатлар ўтиб кетган бўлса, шахс илгари содир етган жинояти учун жавобгарликдан озод қилинган ҳисобланади. Масалан шахс илгари ЖКнинг 166-моддаси (талончилик) 1-қисми билан тақиқланган қилмишни содир этганидан сўнг ЖКнинг 64-моддасида келтириб ўтилган муддатлар ўтиб кетиб, шахснинг янги жиноят содир этиши натижасида унинг илгари содир этган қилмишда ҳам айбдорлиги аниқланган тақдирда ҳам жавобгарликка тортишнинг қонунда белгиланган муддатларининг ўтиб кетганлиги боис шахс фақатгини янги содир этган қилмиши учун жавобгарликка тортилади.

Жиноятларнинг реал жамида алоҳида ҳаракатлар билан алоҳида-алоҳида жиноятлар содир этилганлиги боис уларни квалификация қилишда жиддий қийинчиликлар юзага келмайди. Жиноятнинг реал жамига мисол қилиб амалиётда содир бўлган қуйидаги ҳолатни келтиришимиз мумкин.

Фуқаро П. ва унинг шериклари С.нинг ҳовлисида «Жигули» автомашинасини ҳайдаб қочадилар. Машинани ҳайдаб қочиш вақтида уларда машина ва унинг қисмларини талон-торож қилиш мақсади бўлмайди. Машинани анча вақт ҳайдаб юрганларидан кейин П.нинг таклифи билан магнитофони ва бошқа кичик қисмларини ечиб оладилар. Жиноят изларини йўқотиш мақсадида машинани ёқиб юборадилар.

Суд П. ва бошқаларнинг қилмишини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 267-моддаси билан тақиқланган транспорт воситасини ҳайдаб қочиш жиноятининг 2-қисми «б» банди, 169-моддасининг 2-қисми «в» банди ва 173-моддасининг (мулкни қасддан nobуд қилиш) 2-қисмининг «в» банди билан квалификация қилиб, ЖКнинг 59-моддаси қоидаларига таянган ҳолатда жазо тайинлаган. Мазкур ҳолатда содир этилган ушбу бир қанча жиноятлар бир-бири билан боғланган бўлсада, жиноятлар алоҳида-алоҳида ҳаракатлар орқали содир этилганлиги сабабли П. ва бошқаларнинг қилмиши жиноятларнинг реал жами тарзида квалификация қилинади.

Қонунчилик амалиётида жиноятларнинг реал жамини давомли ёки узоққа чўзилган жиноятлар сифатида квалификация қилиш орқали хатоликга йўл қўйиш ҳолатлари кузатилади. Масалан, шахс қонунга хилоф равишда қурол сақлаётган пайтда бошқа бир шахс билан келиб чиққан можаро натижасида унга ушбу қуролдан фойдаланиб оғир тан жароҳати етказган бўлса, ушбу ҳолатни узоққа чўзилган жиноят билан адаштириш ҳолатлари кузатилади. Аслида ушбу ҳолатда, узоққа чўзилган жиноят(яъни қуролни ноқонуний сақлаш) билан оғир тан жароҳати етказиш алоҳида алоҳида содир этилган деб топилиши, ушбу ҳолат жиноятларнинг реал жами деб топилиб, шунга асосан жазо тайинланиши лозим. Чунки тан жароҳати етказиш давомли жиноят мобайнида содир этилган бўлсада, жиноий ҳаракатлар алоҳида-алоҳида содир этилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 33-моддаси 1-қисми мазмунига кўра, ***ЖК Махсус қисми битта моддасининг турли қисмларида назарда тутилган*** жиноятларни турли вақтларда содир қилиш ҳам

жиноятларнинг реал жамини ташкил қилади ва мазкур ҳолатда қилмиш жиноятлар мажмуи тарзида квалификация қилинади. Масалан, шахс биринчи ҳолатда оловга эҳтиётсизлик билан муносабатда бўлиш натижасида экинзорларни, ўрмонларни, дарахтларни ёки бошқа ўсимликларни шикастлантириш ёхуд нобуд қилиш кўп миқдорда зарар етказилишига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлганлиги учун ЖКнинг 198-моддаси 1-қисми билан қўриқланадиган нормани бузганидан сўнг, ушбу модданинг 2-қисми билан қўриқланадиган ҳолатни бузса, яъни ушбу шахс томонидан ўрмонлар, дарахтлар ёки бошқа ўсимликларни қонунга ҳилоф равишда кесиш натижасида кўп миқдорда зарар етказилса ва ушбу модданинг 3-қисми билан тақиқланган нормани бузса, яъни экинзорларни, ўрмонларни, дарахтларни ёки бошқа ўсимликларни қасддан шикастлантириш, пайхон қилиш ёки нобуд қилиш орқали кўп миқдорда зарар етказса мазкур шахснинг ҳаракатлари ЖК 198-моддаси 1-қисми, 2-қисми ва 3-қисми билан алоҳида-алоҳида квалификация қилинади. Зеро, ушбу юқорида келтирилган жиноятларни турли вақтларда содир қилиш жиноятларнинг реал жамини ташкил қилади ва мазкур ҳолатда қилмиш жиноятлар мажмуи тарзида квалификация қилинади.

Бироқ ушбу қисмдаги ***ЖК Махсус қисмининг битта моддасининг турли қисмларида назарда тутилган***, жавобгарликк тортиладиган икки ёки бир неча жинойи қилмишни содир этиш жиноятлар мажмуи тарзида квалификация қилиниши лозим тарзида белгиланганлиги ушбу модданинг 2-қисмида келтирилган “Агар шахс содир этган қилмишда ЖК Махсус қисми битта моддасининг турли қисмларида назарда тутилган жиноятларни турли вақтларда содир қилиш ҳам жиноятларнинг реал жамини ташкил қилади ва мазкур ҳолатда қилмиш модданинг оғирроқ жазо белгиланган қисми бўйича квалификация қилинади” тарзида белгиланган қоидага бир мунча зид ва тушунмовчиликларни келтириб чиқаради. Ушбу муаммони бартараф этиш учун ЖК 32-моддаси 1 қисмидаги ***“ЖК Махсус қисмининг битта моддасининг турли қисмларида назарда тутилган”*** деб белгиланган жумлани чиқариб ташлаш ва Махсус қисмининг турли қисмларида турли

хилдаги жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган қисмларни бошқа моддаларга ажратиб чиқиш лозим бўлади.

Миллий қонунчилигимизга кўра, шахс ўхшаш бўлган, аммо муайян модданинг турли қисмларида назарда тутилган жиноятларнинг бири тамомланган, икинчиси эса тайёргарлик кўриш ёки суиқасд қилиш босқичида тўхтатилган ёхуд иштирокчи деб жавобгарликка тортилган бўлса ҳам жиноятларнинг реал жами деб квалификация қилиш керак.

Ушбу ҳолатга мисол тариқасида собиқ СССР Олий суди Пленумининг «Номусга тегиш ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарорига юзланадиган бўлсак, қарорнинг 7-бандида «Икки ёки ундан ортиқ номусга тегиш жиноятлари содир этилиб, улар номусга тегиш учун жавобгарликни белгиловчи моддасининг турли қисмларида назарда тутилган жиноятлар бўлиб, бири номусга тегишга суиқасд қилиш ва иккинчиси тамом бўлган номусга тегиш бўлса, айбдорнинг ҳар бир ҳаракати алоҳида-алоҳида яъни жиноятларнинг реал жами тариқасида квалификация қилиниши керак», деб тушунтириш берилган эди²³. Демак, шахс ўхшаш бўлган, аммо муайян модданинг турли қисмларида назарда тутилган жиноятларнинг бири тамомланган, икинчиси эса тайёргарлик кўриш ёки суиқасд қилиш босқичида тўхтатилган ёхуд иштирокчи деб жавобгарликка тортилган тақдирда ҳам қилмишлар жиноятларнинг реал жами тариқасида квалификация қилиниши керак.

Жиноятларнинг идеал мажмуи – бир қанча жиноятларнинг конструктив таркибий қисми бўлиб, бунда айбдорнинг битта хатти-ҳаракатида жиноят кодексининг махсус қисми турли моддаларида ёки моддаларининг турли қисмларида назарда тутилган икки ёки ундан ортиқ жиноят таркиби мавжуд бўлиб, қилмиш ушбу нормалардан бирортаси билан ҳам қамраб олинмайди. Яъни, айбдор ҳар хил мустақил ҳаракатлар билан икки ёки ундан ортиқ жиноятлар содир этади. Масалан, транспорт воситасини олиб қочиш

²³ Сборник Постановлений Пленума Верховного суда СССР. 1924-1986. М. 1987, с. 618.

вақтида, транспорт воситаси эгасини қасддан ўлдириш, босқинчилик қилиш вақтидаги ҳужум туфайли қасддан жабрланувчини ўлдириш, босқинчилик қилиш вақтида эҳтиётсизликдан одам ўлдириш, безорилик ҳаракатлари вақтида шахснинг баданига оғир шикаст етказиш ва ҳоказолар. Масалан, айбдорнинг таъмагирлик мақсадида, босқинчилик йўли билан жабрланувчини қасддан ўлдириб, унинг мулкани қўлга киритиш билан боғлиқ қилмиши на жиноят кодексининг 97-моддаси билан ва на 164-моддаси билан қамраб олинмайди. Шунинг учун бу қилмиш Жиноят кодекси махсус қисмининг жаобгарлик қайд этилган ҳар икки моддаси билан квалификация қилиниши лозим бўлади. Демак, содир этилган қилмишни жиноятларнинг идеал жами деб топишимиз учун фақат битта жиноий ҳаракатнинг содир этилиши ва ушбу ҳаракат билан ЖК махсус қисмининг камида иккита моддасида келтирилган нормага зарар етказилиши лозим.

Ўз навбатида жиноятларнинг идеал жами тушунчасига турли ҳуқуқшунослар турлича таъриф беришади. Улардан бири Ю.А.Красиков шахснинг бир ҳаракати билан икки ёки ундан ортиқ объекти жиҳатидан ушбу модда объектининг бир қисмини ёки бир бутун объектни ташкил қилмайдиган ҳар хил ёки бир-бирига ўхшаш оқибатлар келиб чиқарадиган жиноятларни жиноятларнинг идеал жами деб ёзади²⁴.

Амалиётда, битта жиноий ҳаракат туфайли ЖК моддасининг турли қисмларида назарда тутилган оқибатлар келиб чиқса, жиноятларнинг идеал жамини ташкил қиладими, деган савол туғилади. Бу масалага ойдинлик киритиш мақсадида ҳуқуқшунос олим В.И.Ткаченконинг фикрларига юзланамиз. В.И.Ткаченконинг фикрича, шахснинг бир ҳаракати билан ЖКнинг моддасининг турли қисмларида назарда тутилган жиноий оқибатлар келиб чиққан тақдирда бу ҳаракатлар жиноятлар жамини ташкил қилмайди. Амалдаги жиноят қонунчилигимиздаги мазкур норма юқорида номи қайд этилган олимнинг фикрига бироз зиддир. Жумладан, Ўзбекистон

²⁴ Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации. - М: Норма - инфра. М. 2001. С. 24-25.

Республикаси ЖК 33-моддасининг 2-қисмида «Агар шахс содир этган қилмишда ушбу кодекс махсус қисми айти бир моддасининг турли қисмларида назарда тутилган жиноятларнинг аломатлари мавжуд бўлса, у модданинг оғирроқ жазо белгиланган қисми бўйича жавобгарликка тортилади²⁵», дейилади. Демак, битта жиноий ҳаракат туфайли ЖКнинг моддасининг турли қисмларида назарда тутилган нормаларга зарар етказилганда ҳам мазкур қилмишни жиноятларнинг идеал жами тарзида квалификация қилиш лозим.

Миллий қонунчилигимизда жиноятларнинг идеал жами мавжуд бўлганда уларни жиноятлар мажмуи тарзида квалификация қилишимизда юқоридаги каби нотўғри тушунчалар ва изоҳлар келиб чиқишини олдини олиш мақсадида ЖКнинг 32-моддасига ушбу ҳолатни аниқ ифодалаб бера оладиган ва таснифлайдиган қуйидаги йўсинда банд киритишимиз лозим **“Ушбу Кодекс Махсус қисмининг икки ёки ундан ортиқ моддаларида назарда тутилган бир неча жиноят таркибини келтириб чиқарадиган битта қилмишни содир этиш, агар ушбу нормаларнинг бири билан тўлиқ қамраб олинмаган бўлса, жиноятлар мажмуи деб топилади.** Зеро, идеал мажмуа шароитида жиноятларни тўғри квалификация қилиш фуқароларнинг ижтимоий - ҳуқуқий кафолатларини таъминлаш ва давлатнинг жиноятга оид сиёсатини шакллантиришда муҳим рол уйнайди.

Бунга мисол сифатида қуйидаги ҳолатни келтириш мумкин: А. ва С. исмли вояга етмаган фуқаролар ўзлари яшайдиган маҳалладаги фуқаро У.нинг уйига деразадан кириб, уйдан магнитофонни ўғрилайдилар. Суд уларнинг қилмишини Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддасининг 2-қисми «г» банди билан квалификация қилиб ҳукм қилган. Ҳолатга кўра, фуқаро А. ва С.ларнинг ушбу жиноий қилмишида ЖК 169-моддасининг иккита қисмида назарда тутилган белгилар мавжуд. Жумладан: бу жиноят орқали талон-торож қилинган мулк суд томонидан белгиланган баҳога кўра, мазкур модданинг

²⁵ Ўзбекистон Республикаси жиноят кодекси. Т.: Адолат, 2018й. Б-15.

1-қисмида назарда тутилган миқдорни ташкил қилади. Иккинчидан, жиноят бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилганлиги учун ЖК 169-моддаси 2-қисмининг «в» бандида назарда тутилган квалификация қилиш белгиси мавжуд. Учинчидан, содир этилган қилмиш уй-жойга кириб содир этилганлиги учун ЖК 169-модда 2-қисми «г» бандида назарда тутилган қилмишларни содир этганлиги сабабли жиноят мазкур модданинг барча қисмлари билан алоҳида-алоҳида квалификация қилиниб, қилмиш 169-модда 2-қисми билан, яъни оғирроқ жазо белгиланган қисми билан ҳукм қилинган.

Бошқа бир олим А.Н.Трайнинг «Жиноятларнинг идеал жами шахснинг бир ҳаракати билан жиноят кодексининг бир қанча нормасини бузишдир», деб ёзган²⁶. Биз унинг бу фикрига тўла қўшилаемиз, негаки, бу фикр амалдаги жиноят қонунчилигимизга мувофиқдир. Чунки жиноятларнинг идеал жами шахснинг битта ҳаракати билан жиноят қонунининг икки ёки ундан ортиқ нормаларини, оддий бузишнинг ўзи бўлмай, икки ёки ундан ортиқ мустақил жиноятларни содир қилишдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2008 йил 15 майдаги «Бир қанча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида»ги қарорида бир қанча жиноят содир этилганда, агар жиноятлардан бири бошқасини содир этиш воситаси ёки усули бўлиб, ҳар иккала жиноят белгилари жиноят кодексининг муайян моддаси диспозициясида кўрсатилган бўлса, қилмиш жиноят кодексининг фақат оғирроқ жиноят учун жавобгарликни белгиловчи битта моддаси билан квалификация қилиниши кераклиги, бунда қилмишни енгилроқ жиноят учун жавобгарликни назарда тутувчи жиноят кодекси моддаси билан қўшимча квалификация қилиш талаб этилмаслиги қайд этилган.

Бироқ, амалиётда ушбу нормани қўллашда бази хатоликларга йўл қўйилмоқда. Масалан, Жиноят ишлари бўйича Паркент туман судининг

²⁶ Трайнин А. Н. Уголовное право. Общая часть М.: 1929. с. 370.

2017 йил 22 июндаги ҳукмига кўра фуқаро Р.А. жиноят кодексининг 219-моддаси 2-қисми, 105-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 57, 59-моддалари тартибида энг кам ойлик иш ҳақининг 400 баравари миқдорида яъни, 59 млн. 910 минг сўм жаримага тортилган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят суди апелляция инстанциясининг 2017 йил 18 июлдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган. Суднинг ҳукмига кўра Р.А. «Нексия» русумли автомашинани «Паркент-Янгибозор қўрғони» йўналишида уяли телефондан фойдаланган ҳолда бошқариб кетаётганида, Паркент шаҳри марказий кўчасида хизмат вазифасини ўтаётган Тошкент вилояти ИИБ ЙПХБ 4-отряд ЙПХ катта инспектори, сержант С.Г. томонидан тўхтатилиб, ҳужжатларини тақдим этиш сўралганида, Р.А. ҳужжатларни беришдан бош тортган, сўнгра С.Г. унга автомашинани жарима майдончасига олиб боришини тушунтирган вақтида, Р.А. ИИБ ЙПХ катта инспекторининг қонуний талабларига бўйсунмасдан, хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакилининг қонуний фаолиятига фаол қаршилик кўрсатиб, автомашинани ҳайдаб юбориб, 5-6 метр масофага судраб кетган. Натижада С.Г.нинг олган тан жароҳати юзасидан экспертиза тайинланиб, экспертиза хулосасига кўра С.Г.га чап оёқ 1-бармоқ тирноқ фалангаси асоси ёпиқ синиши, ўнг тирсак бўғими синиб шилиниши ташҳиси қўйилиб, олинган жароҳат «ўртача оғир шикаст» деб топилган, натижада Р.А. ҳодимнинг хизмат вазифасини бажаришдан воз кечишга мажбур қилганликда айбли деб топилган.

Суд Р.А.нинг хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакили ҳисобланган ИИБ ЙПХ катта инспектори С.Г.нинг қонуний талабларига бўйсунмасдан, унинг қонуний фаолиятига фаол қаршилик кўрсатиб, ўз хизмат вазифасини бажаришдан воз кечишга мажбур қилганликда ифодаланган жиноятни содир этганликдаги айби исботланганлиги ҳақида асосли хулосага келган бўлса-да, унинг ҳаракатларини квалификация қилишда хатога йўл қўйган.

Жумладан, ЖК 8-моддасининг 2-қисмига кўра ҳеч ким айнан битта жиноят учун икки марта жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2008 йил 15 майдаги «Бир қанча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида»ги 13-сонли қарорининг 8-бандида қилмиш ЖКнинг бир қанча моддаларида кўрсатилган объектга нисбатан содир этилганда (умумий ва махсус норма рақобати) жиноятлар мажмуи мавжуд бўлмаслиги ва у махсус норма бўйича квалификация қилиниши лозимлиги, 10-бандида бир қанча жиноят содир этилганда, агар жиноятлардан бири бошқасини содир этиш воситаси ёки усули бўлиб, ҳар иккала жиноят белгилари ЖК тегишли моддаси диспозициясида кўрсатилган бўлса, қилмиш ЖКнинг фақат оғирроқ жиноят учун жавобгарлик белгиловчи битта моддаси билан квалификация қилиниши кераклиги, бунда қилмишни енгилроқ жиноят учун жавобгарликни назарда тутувчи модда билан қўшимча квалификация қилиш талаб этилмаслиги тўғрисида тушунтиришлар берилган.

Бироқ иш бўйича қайд этилган қонун талаби ҳамда Пленум қарори тушунтиришларига риоя қилинмаган. Хусусан, биринчи инстанция суди Р.А.ни хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакилининг ўз хизмат вазифасини бажаришдан воз кечишга мажбур қилганликда ЖК 219-моддасининг 2-қисми билан айбли деб топган.

Қонун мазмунига кўра мажбурлаш вақтида қўлланиладиган жисмоний зўрлик ишлатиш деганда, жисмоний азоб берадиган ҳамда жабрланувчининг иродасига хилоф равишда унинг жисмоний эркинлигини чеклайдиган ҳаракатлар содир этиш, шунингдек, уриш, дўппослаш ва бошқа ҳаракатлар орқали шахс баданига ўртача оғирликдаги шикаст етказиш тушунилади.

Суд Р.А.нинг хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакили Тошкент вилояти ИИБ ЙПХБ 4-отряд ЙПХ катта инспектори, сержант С.Г.нинг қонуний талабларига бўйсунмасдан, унинг қонуний фаолиятига фаол қаршилик кўрсатиб, унга ўртача оғирликдаги тан жароҳати етказиб, хизмат вазифасини

бажаришдан воз кечишга мажбур қилганликда ифодаланган ҳаракатларини ЖК 105-моддасининг 1-қисми билан ортиқча квалификация қилган.

Апелляция инстанцияси суди ҳам иш бўйича йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўрмаган ва Р.А.га тайинланган жазонинг жиноятнинг оғирлик даражасига ва судланганнинг шахсига мувофиқ эканлигини тўлиқ текширмасдан, суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш ҳақида барвақт хулосага келган. Шу сабабли судлов ҳайъатининг 2018 йил 10 февралдаги ажрими билан суд қарорлари ўзгартирилиб, Р.А.нинг айбидан ЖК 105-моддасининг 1-қисми чиқариб ташланган²⁷.

Агар қонунда жиноятлар мажмуига кирувчи қилмишлардан бири фақат махсус субъект томонидан, бошқалари эса, умумий субъект томонидан содир этилиши мумкинлиги белгиланган бўлса, бундай жиноятлар Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан алоҳида-алоҳида квалификация қилиниши керак.

Жиноятлар мажмуини ташкил этувчи жиноятларда, агар улардан бирини содир этишда субъект жиноятни бажарувчи, бошқаларини содир этишда эса ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчи сифатида иштирок этган тақдирда ҳам қилмиш шу тарзда квалификация қилинади. Бундай ҳолатда шахснинг жиноятни содир этишда ташкилотчи, далолатчи, ёрдамчи сифатида иштирок этган ҳаракатлари Жиноят кодексининг 28-моддасини қўллаган ҳолда, Жиноят кодексининг махсус қисмида содир этилган жиноят учун жавобгарликни назарда тутувчи муайян моддаси билан, содир этилишида у жиноят бажарувчиси бўлган қилмиш эса Жиноят кодексининг 28-моддасини қўлламаган ҳолда, Жиноят кодексининг муайян моддаси билан квалификация қилинади²⁸.

²⁷ www.oliysud.uz <<http://www.oliysud.uz>>

²⁸ Ўзбекистон Республикаси Олий суд пленумининг “Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида”ги 15.05.2008 йилги қарори. [http://www/lex.uz](http://www.lex.uz)

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2008 йил 15 майдаги «Бир қанча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида»ги қарорида жиноятлар мажмуини ташкил этувчи жиноятлар уюшган гуруҳ ёки жинойий уюшма томонидан содир этилганда эса, жиноятнинг барча иштирокчиларининг ҳаракатлари, иштирокчилик туридан қатъи назар, Жиноят кодекси Махсус қисмининг содир этилган жиноят учун жавобгарликни назарда тутувчи муайян моддаси билан тўғридан-тўғри квалификация қилиши қайд этилган. Қуйида уюшган гуруҳ томонидан содир этилган қилмиш юзасидан узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланмаган судланувчига жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида йигирма йилдан ортиқ жазо тайинланганлиги суд қарорларининг ўзгартирилишига сабаб бўлган ҳукми мисол келтирамиз.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция инстанциясининг 2008 йил 28 октябрдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган, шу суднинг 2008 йил 22 сентябрдаги ҳукмига кўра М.га Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисмининг «ж», «л», «п» бандлари билан 20 йил, 277-моддаси 3 қисмининг “г” банди билан 4 йил муддатда озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланиб, Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида жазоларни қисман қўшиш йўли билан 22 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Жиноят кодексининг 59-моддаси 5-қисмида ҳамда Олий суд Пленумининг “Умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарорининг 5-бандида жиноятлардан ҳеч бўлмаганда биттаси учун узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланганда узил-кесил жазо Жиноят кодексининг 59-моддаси бешинчи қисми қондасига мувофиқ жазоларни тўла ёки қисман қўшиш ёхуд енгилроқ жазони оғирроғи билан қоплаш орқали, бироқ йигирма беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга тайинланиши; агар жиноятлар мажмуига кирувчи, Жиноят кодексининг 97-моддаси иккинчи қисми ёки 155-моддаси учинчи қисмида назарда тутилган жиноятлардан бирортаси бўйича ҳам узоқ

муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланмаган бўлса, узил-кесил жазо муддати йигирма йилдан ошмаслиги кераклиги белгиланган.

Бироқ суд томонидан қонуннинг бу талаби ва Пленум қарорининг тушунтиришларига риоя қилинмаган.

Суд томонидан М.га нисбатан Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисмининг «ж», «л», «п» бандлари билан узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланмаган бир вазиятда жиноятлар мажмуи бўйича тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, хатога йўл қўйилган. Апелляция инстанцияси суди ҳам ушбу камчиликни бартараф этиш чораларини кўрмаган.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов хайъатининг 2009 йил 30 апрелдаги ажрими билан суд қарорларининг айбланувчи М.га оид қисми ўзгартирилиб, унга Жиноят кодексининг 97-моддаси 2 қисмининг «ж», «л», «п» бандлари билан тайинланган 20 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси 19 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига келтирилиб, Жиноят кодексининг 277-моддаси 3-қисмининг “г” банди билан тайинланган жазони Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида қисман қўшиш йўли билан узил-кесил 20 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган²⁹.

2.3 Рецидив жиноятларни квалификация қилиш

Рецидив жиноят деганда - муқаддам қасддан содир этган жинояти учун судланганлик ҳолати мавжуд шахс томонидан қасддан янги жиноят содир этилиши тушунилади. Амалдаги жиноят кодексининг 34-моддасида рецидив жиноятнинг жинойий-ҳуқуқий тушунчаси берилади, унга кўра, рецидив жиноят қасддан содир этилган жиноятлар учун назарда тутилган бўлиб, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этилиши рецидив жиноятни ташкил этмайди.

Рецидив жиноятларнинг энг эътиборли жиҳати шундаки, рецидив

²⁹ Назорат иши ЖСХ-31-09

жиноятлар бир қанча жиноят турлари ичида энг хавфлиси бўлиб, у шахс томонидан жиноий хулқ-атвор давом эттирилаётганлигидан, шахснинг илгари содир этган жинояти учун жиноят қонунида назарда тутилган жиноий жазо деган мажбурлов чораси қўлланилганлигига қарамай, ўз муаммоларини ҳал қилиш учун айнан яна жиноят йулини танлаганлигидан далолат беради. Бу эса, рецидив жиноятларда бир қанча жиноят содир этишнинг бошқа шаклларига қараганда шахсдаги жиноий ниятларнинг барқарорлиги, жиноятчининг тўғри йўлга қайтишни қатъиян истамаслиги, унинг жамиятда ўрнатилган тартибларга нисбатан ўта хурматсиз муносабатда бўлиши янада қўполроқ шаклларда намоён бўлади. Бундай турдаги жиноятчиларнинг ўзаро жипслашуви, профессионаллашуви жиноятчиликнинг сифат кўрсаткичларига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Рецидив жиноят тушунчаси жиноий-ҳуқуқий тушунча булиб, унга қуйидагича тўлиқроқ таъриф бериш мумкин: рецидив сўзи лотин тилидан олинган бўлиб, «recidivus» яъни қайтаётган деган маънони беради. Яъни, шахснинг илгари қасддан қилган жинояти учун судланиб, судланганлик муддати ўтиб кетмасдан ёки қонунда белгиланган тартибда олиб ташланмасдан қасддан янги жиноят содир этиши рецидив жиноят деб топилади.

Рецидив жиноятнинг жиноий-ҳуқуқий белгилари қуйидагилардан иборат:

- a) кейинги жиноятни, албатта, олдинги жиноят учун судланганидан кейин содир этилганлиги;
- b) илгариги жиноятнинг қасддан содир этилганлиги;
- c) илгари содир этилган жинояти учун шахснинг албатта судланганлиги;
- d) кейинги жиноятнинг ҳам қасддан содир этилганлиги.

Қилмишда ана шу белгилардан биттасининг бўлмаслиги унинг рецидив жиноят эканлигини истисно қилади.

Жиноят қонунида жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва муайян жиноят учун судланиш сонидан келиб чиқиб, рецидив жиноят уч турга - оддий, хавфли ва ўта хавфли рецидивга бўлинади.

Оддий рецидив жиноят - шахс қасддан содир этилган ҳар қандай жинояти учун судлангандан кейин у томонидан қасддан янги жиноят содир этилганда юзага келади. Оддий рецидив хавfli ва ўта хавfli рецидивдан фарқли равишда, жиноят кодексининг махсус қисми моддаларида квалификация белгиси сифатида назарда тутилмаган бўлиб, бу ҳолат фақат Жиноят кодексининг 56-моддаси «н» бандида жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида эътироф этилган.

Хавfli рецидив жиноят деб топишни эса қонун шахснинг содир этган жинояти учун судланганидан кейин унга айнан ўхшаш янги жиноятни қасддан содир этиши билан боғлайди. Демак, юқоридаги тушунчадан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, хавfli рецидив жиноят деб топишда шахснинг илгари содир этган жинояти учун судланганидан кейин у айнан шунга ўхшаш янги жиноятни қасддан содир этиши лозим. Масалан, илгари содир этган ўғирлик жинояти учун ЖК 169-моддасининг 1-қисми буйича судланган шахс, янгидан шунга ўхшаш жиноятни яъни ЖК 169-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганда, унинг қилмиши ЖК 169-моддаси 3-қисмининг «а» банди яъни хавfli рецидивист томонидан содир этилган ўғирлик буйича квалификация қилинади.

Ўта хавfli рецидив жиноят деб топиш учун эса, янги содир этилган жиноятнинг нафақат оғирлиги, балки шахс илгари оғир ёки ўта оғир жинояти учун беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазога ҳукм қилинган бўлиши шартлиги талаб этилади. Қонун ва Олий суд Пленуми қарори ушбу асослар мавжуд бўлганда, судлар томонидан шахсни ўта хавfli рецидивист деб топиш ҳақидаги масала муҳокама қилиниши шартлигини белгилайди.

Жиноят кодексининг ўта хавfli рецидивист деб топиш тўғрисидаги 34-моддаси 3-қисмини қўллашда зарурий белги сифатида қайд этилган озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган шахс деганда, муқаддам суднинг қонуний кучга кирган ҳукмига кўра, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланган шахс тушунилиб, бунда ҳукм ижрога

қаратилганлигининг, шу жумладан, шахс мазкур жазони ўтамаганлиги (масалан, шахснинг жазони ўташдан бўйин товлаганлиги, жазо ижроси ЖПК 533-моддасига мувофиқ кечиктирилганлиги)нинг ёки қисман ўтаганлигининг (масалан, кейинчалик жазодан муддатидан илгари шартли, амнистия актига асосан, касаллиги оқибатида озод қилинганлигининг, жазо енгилроғи билан алмаштирилганлигининг) аҳамияти йўқ бўлиб, бундан ҳукмнинг ЖКнинг 69-моддасида белгиланган тартибда жазони ижро этиш муддатлари ўтиб кетганлиги учун ижрога қаратилмаган ҳоллар мустасно ҳисобланади.

Шу жумладан қилмишни жиноят кодекси махсус қисмининг ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган жиноят учун жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатни назарда тутувчи моддалари қисми билан квалификация қилишда бу жиноятни содир этгунга қадар шахснинг муқаддам содир этган қилмишлари натижасида суд томонидан қонунда белгиланган тартибда ўта хавфли рецидивист деб топилганлигига эътибор қаратилиши лозим. Мисол учун шахснинг ҳаракатини жиноят кодексининг 169-моддаси 4-қисми “б” банди билан квалификация қилиш учун унинг ушбу ўғрилиқ жиноятини содир этишдан олдин содир этган жиноятлари учун судланган пайтида суд томонидан ўта хавфли рецидивист деб топилган бўлиши талаб этилади.

Амалдаги жиноят қонунчилигимизда рецидив жиноятни истисно қилувчи бир қанча ҳолатлар мавжуд. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 77-моддасида судланганликнинг ҳуқуқий аҳамияти келтириб ўтилган. Унга кўра, белгиланган судланганлик муддатининг ўтиб кетганлиги ёки судланганликнинг олиб ташланиши унинг барча ҳуқуқий оқибатларини бекор бўлишига олиб келиши ҳақидаги қонун талаби бир қанча жиноят содир этилган қилмишга ҳам тааллуқли бўлиб, судланганлик ҳолатининг тугалланиши ва қонунда белгиланган тартибда олиб ташланиши жиноятлар мажмуи, такроранлигини ва рецидив жиноятни истисно этувчи ҳолат ҳисобланади.

Жумладан, агар шахс бир қанча жиноят содир этган бўлиб, улардан фақат биттаси учун судланган, бошқа жиноятлари учун эса айбдор шахсга нисбатан биринчи иш бўйича ҳукм чиққандан сўнг очилган бўлса, Жиноят кодексининг 34-моддаси ва 59-моддаси 8-қисми мазмунидан келиб чиққан ҳолда, бу жиноятлар учун судланганлик битта судланганлик ҳолати сифатида инобатга олиниб, бундай ҳолда шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиб бўлмайди.

Бунга мисол тариқасида Бухоро вилоят суди томонидан шахсни ўта хавфли рецидивист деб топишда йўл қўйилган хатоликларни келтиришимиз мумкин. Жумладан: Жиноят ишлари бўйича Бухоро вилояти суди апелляция инстанциясининг 2006 йил 14 сентябрдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган шу суднинг 2006 йил 7 августдаги ҳукмига кўра фуқаро Ф. жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми «ж», «л» бандлари билан 17 йил, жиноят кодексининг 60-моддаси тартибида 18 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланиб, Жиноят кодексининг 34-моддасига асосан ўта хавфли рецидивист деб топилган. Тайинланган жазонинг дастлабки 3 йилини турмада, қолган қисмини махсус тартибли колонияда ўташ белгиланган.

Суднинг ҳукмига кўра Ф. 2006 йил 28 апрель куни, соат 15:00 ларда, ўзининг Когон шаҳри, Халқлар дўстлиги кўчаси, 19-уйнинг 11-хонадонидан, илгаридан таниш бўлган М. билан спиртли ичимлик истеъмол қилиб, маст ҳолатда у билан жанжаллашиб, унинг бош қисмига 0,5 литр ҳажмдаги бўш шиша идиш билан урган. М. уйдан қочиб чиқиб кетганида, у ошхонадаги пичоқни олиб, “Саноат транспорт коллежи” биносининг орқа дарвозаси ёнида М.га етиб олиб, уни пичоқ ва темир бетон бўлаги билан уриб қасддан ўлдирган.

Суд иш ҳолатини тўғри аниқлаб, Ф.нинг айби тасдиқланганлиги ҳақида асосли хулосага келган ва унинг ҳаракатларини тўғри квалификация қилган бўлса-да, Ф.ни ўта хавфли рецидивист деб топиб хатога йўл қўйган.

Жиноят кодексининг 34-моддаси 3-қисми «а» бандига мувофиқ, илгари ўта оғир жинояти учун ёки икки марта оғир жинояти учун ҳукм қилиниб,

уларнинг ҳар бири учун беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахс томонидан ўта оғир жиноят содир этилиши ўта хавфли рецидив жиноят деб топилади.

Олий суд Пленумининг 2008 йил 15 майдаги «Бир қанча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида»ги қарорининг 23-бандида, шахс бир қанча жиноят содир этган бўлиб, улардан фақат биттаси учун судланган, бошқа жиноятлар эса айбдорга нисбатан биринчи иш бўйича ҳукм чиққандан сўнг очилган бўлса, бу жиноятлар учун судланганлик мазкур шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш пайтида жиноят кодексининг 34-моддаси ва 59-моддаси саккизинчи қисми мазмунидан келиб чиқиб, у битта судланганлик ҳолати сифатида инобатга олиниши лозимлиги кўрсатилган.

Мазкур ҳолатда иш бўйича қайд этилган қонун талаблари ҳамда Олий суд Пленуми қарорининг тушунтиришларига риоя қилинмаган.

Суд Ф.ни ўта хавфли рецидивист деб топишда уни муқаддам икки марта оғир жинояти учун ҳукм қилинганлигини асос қилиб олган.

Бироқ суд ҳар иккала жиноят ҳам бу ишлар бўйича ҳукм чиқарилгунга қадар содир этилганлигига, шу сабабли жазолар бир қанча ҳукмлар юзасидан эмас, балки бир қанча жиноятлар юзасидан, 2004 йил 27 августга қадар бўлган таҳрирдаги, жиноят кодексининг 59-моддаси 4-қисми билан қўшилганлигига эътибор бермаган.

Кўрилаётган иш ҳужжатларидан кўринишича, Ф. жиноят ишлари бўйича Когон шаҳар судининг 2001 йил 22 ноябрдаги ҳамда 2002 йил 21 февралдаги ҳукмлари билан айбли деб топилган ҳар иккала жиноятни 2001 йилнинг ноябрь ойига қадар содир этган.

Бундай ҳолатда Ф.ни илгари икки марта оғир жинояти учун ҳукм қилиниб, уларнинг ҳар бирига 5 йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахс деб бўлмайди.

Шу сабабли судлов ҳайъатининг 2010 йил 14 октябрдаги ажрими билан Ф.га нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Бухоро вилояти судининг

2006 йил 7 августдаги ҳукми ҳамда шу суд апелляция инстанциясининг 2006-йил 14 сентябрдаги ажрими ўзгартирилди, суд қарорларининг Ф.ни жиноят кодексининг 34-моддасига асосан ўта хавфли рецидивист деб топиш қисми бекор қилиниб, жазо қаттиқ тартибли колонияларда ўташи белгиланди. Унга нисбатан Олий Мажлис Сенатининг 2007 йил 30 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн беш йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарори 7-бандининг «б» кичик банди татбиқ этилиб, тайинланган жазонинг ўталмаган қисми тўртдан бирига қисқартирилди³⁰.

Шунингдек, шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш ҳақидаги масалани ҳал қилишда эътибор қаратилиши лозим бўлган яна бир ҳолат бу унинг жиноятни содир этгунга қадар 18 ёшга тўлган ёки тўлмаганлик масаласини ҳал этишдир. Жумладан, шахс томонидан содир этилган кейинги ўта оғир жиноят субъектнинг вояга етганидан сўнг содир этилган бўлса-да, илгариги ўта оғир жиноятни у 18 ёшга тўлгунга қадар содир этганлиги сабабли уни ўта хавфли рецидивист деб топиб бўлмайди. Ўша шахс томонидан кейинчалик яна бир ёки бир неча жиноят содир этилса, у 18 ёшга тўлганидан сўнг озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ даврида содир этган жиноят учун судланганлиги шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш ҳақидаги масалани ҳал қилишда умумий асосларда инобатга олинади. Шу сабабли шахсни ўта хавфли рецидивист деб топишда ушбу жиҳатларга эътибор эътибор қаратилиши лозим.

Эндиликда рецидив тушунчасига оид олимларнинг фикрларига назар ташлайдиган бўлсак, бир қатор маҳаллий ва хорижий ҳуқуқшунос олимлар ушбу тушунчага нисбатан ўзларининг мулоҳазаларини билдириб ўтишган.

Жумладан, ўзбек олими Ф.Тохиров рецидивист шахсининг ижтимоий хавфлилик даражасининг юқорилигига катта эътибор қаратиш ҳамда бундай шахслар томонидан содир этилган жиноятлар учун жавобгарлик чораларини

³⁰ Назорат иши ЖСХ 130-10 Олий суд ахборотномаси 2010 йил 6-сон.

янада кучайтириш лозимлигини таъкидлаган³¹ бўлса, М.Усмоналиев шахснинг илгари қасддан қилган жинояти учун судланиб, судланганлик муддати ўтиб кетмасдан ёки қонунда белгиланган тартибда олиб ташланмасдан, қасддан янги жиноят содир этишини рецидив жиноят деб таърифлайди³². Бошқа бир олим М.Ҳ.Рустамбоев эса, шахснинг илгари содир этган жинояти учун судланганидан кейин қасддан янги жиноят содир этиши рецидив жиноят деб топилади деган фикрни илгари сурган³³.

Ҳорижий ҳуқуқшунос олимларнинг бу борадаги фикрларини асосан икки гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин.

Биринчи гуруҳ олимлари, эҳтиётсизликдан содир этилган жиноятларни рецидив жиноятлар сифатида талқин қилиш лозимлигини таъкидлайди. Улардан бири А.П.Козлов амалдаги жиноят қонунчилигида айбнинг қасд шакли билан бирга эҳтиётсизлик шаклини қамраб оладиган рецидивни ҳам киритишни таклиф қилади³⁴. И.М.Тяжкова эса, эҳтиётсизликдан содир этилган жиноятларни ҳам рецидив жиноятлар деб ҳисоблаш мақсадга мувофиқлигини таъкидлаб, фикрининг исботи сифатида эҳтиётсизликдан содир этилаётган жиноятлар натижасида етказилаётган зарар миқдори қасддан содир этилган жиноятлар натижасида етказилган зарар миқдори билан деярли тенглигини асос сифатида келтиради.

Иккинчи гуруҳдаги олимлари эса, эҳтиётсизликдан содир этилган жиноятлар билан қасддан содир этилган жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ўртасида фарқ жуда катта эканлигини таъкидлаб, эҳтиётсизлик натижасида содир этилган қилмишларни рецидив жиноятга киритиб бўлмаслигини маълум қилишади. Ҳусусан, И.Г.Возжанникова рецидив жиноятга айбнинг эҳтиётсизлик шаклида содир этилган жиноятларни киритиш мақсадга мувофиқ эмаслигини, қонунчиликда узоқ вақтдан буён

³¹ Ф.Тоҳиров. Ўзбекистон Республикаси қонуни бўйича жинсий жиноятлар учун жавобгарлик муаммолари. Юридик фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. –Тошкент. 2007.

³² М.Усмоналиев. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2005. –Б 324.

³³ Рустамбаев М.Х. Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм. Дарслик. Т.: «Ўқитувчи», 2003.

³⁴ Козлов.А.В, Севастьянов А.П. Единичные и множественные преступления. –СПб.,2011. –С.208-209.

рецидив жиноят фақат қасддан содир этилган жиноятларга нисбатан татбиқ этилаётганлигини, бошқа тарафдан эса эҳтиётсизликдан содир этилган жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ўртасида фарқнинг катта эканлиги билан асослайди³⁵. И.Г.Возжанникованинг фикрига қўшилган ҳолда айтиш мумкинки, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жиноятларни рецидив жиноятларга киритиш жиноят кодексида белгиланган одиллик принципига зид ҳолатдир. Чунки амалдаги жиноят қонунчилигига кўра, эҳтиётсизликдан содир этилган жиноятларда судланганлик инстутининг мавжудлиги ҳеч қандай ахамиятга эга эмас ва жиноий-ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқармайди. Бундан ташқари, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жиноятларнинг ҳам рецидив жиноят деб топилиши ЖКнинг 8-моддасида назарда тутилган одиллик принципи, яъни жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши ҳақидаги талабнинг, умуман олганда, узоқ йиллар амалда бўлган рецидив жиноят концепциясининг, шунингдек, амалдаги жиноят қонунчилиги конструкциясининг бузилишига олиб келади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ЖКнинг 34-моддасида шахснинг илгари қасддан содир этган жинояти учун судланганлигидан кейин қасддан янги жиноят содир этиши рецидив жиноят деб топилиши белгиланган. Шу ўринда ҳукм эълон қилинган вақтдан токи ҳукм кучга кирган вақтга қадар содир этилган жиноят рецидив жиноят деб топиладими деган савол туғулиши табиий. Ушбу масалага ҳуқуқий ечим топишда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида»ги 2008 йил 15 май 13-сонли қарорига мурожаат қиламз. Ушбу қарорнинг 17-бандида:

³⁵ И.Г.Возжанникова. Рецидив преступлений в уголовном праве России: понятие, видк, значение. Диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук по специальности 12.00.08-уголовное право и криминология; уголовно-исполнительное право. –Москва, 2014. -60с.

«Рецидив жиноят деб топиш учун шахс томонидан муқаддам содир этган жинояти учун судлангандан сўнг янги жиноят содир этилганлиги талаб этилиши туфайли охириги жиноят содир этилган вақтни аниқлаш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади³⁶. Бунда шуни инобатга олиш лозимки, ЖПК 528, 531-моддалари мазмунига кўра, шахс унга айблов ҳукми қонуний кучга кирганлиги тўғрисидаги ҳукм эълон қилинган пайтдан бошлаб судланган деб топилади. Ҳукм эълон қилинган вақтдан бошлаб унинг қонуний кучга кирганлиги маҳкумга эълон қилингунга қадар ўтган вақт ичида содир этилган янги жиноят рецидив жиноятни ташкил этмайди» – деб белгилаб қуйилган.

Юқоридаги нормага асосланиб қуйидагича хулосага келиш мумкин: шахсни судланган деб топиш масаласи, унинг аввалги жинояти учун ҳукм чиқарилганидан кейин содир этилган жиноятларга нисбатан, судланганликни ҳисоблаш масаласи эса ҳукм қонуний кучга кирган ва белгиланган тартибда ҳукмнинг қонуний кучга кирганлиги маҳкумга эълон қилинган вақтдан бошлаб ҳисобланади. Шу билан бирга, рецидив жиноятни квалификация қилишда ЖК 34-моддасининг 1-қисмига кўра қилмишни рецидив жиноят деб ҳисоблашда уни қасддан содир этилган жиноят учун ҳукм қонуний кучга кирган кундан эмас, балки шахснинг судланганидан кейин қасддан янги жиноят содир этишини назарда тутишда инобатга олиниши шарт.

Амалдаги Жиноят кодексининг 34-моддасида рецидив жиноятга нисбатан хавфли рецидив жиноятнинг фарқи шахс илгари ҳукм қилинган жиноятига ўхшаш жиноят содир этган, ЖКда алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса махсус қисмининг бошқа моддалари билан ҳам ҳукм қилинган шахснинг қасддан янги жиноят содир этишида ифодаланади. Масалан, ўзганинг мулкини очикдан-очик талон-тарож қилган шахс судлангандан кейин яна худди шундай ҳаракатни содир этса, унинг ҳаракати «хавфли рецидивист» учун

³⁶ Ўзбекистон Республикаси Олий суд пленумининг “Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида”ги 15.05.2008 йилги қарори. [http://www/lex.uz](http://www.lex.uz)

жавобгарликни назарда тутган ЖКнинг 166-моддаси 3-қисми «а» банди билан квалификация қилинади. Ушбу модданинг “ушбу кодексда алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса, махсус қисмнинг бошқа моддалари билан ҳам ҳукм қилинган шахснинг қасддан янги жиноят содир этиши хавфли рецидив жиноят деб топилади” деб белгилаб қўйилган бандига асосан шахснинг кейинги содир этган бошқа турдаги жинояти учун ҳам судланиши мумкинлигини тушинишимиз мумкин. Масалан ушбу кодекснинг 242-моддасида назарда тутилган жиноий уюшма ташкил этиш, яъни жиноий уюшма ёхуд унинг бўлинмаларини тузиш ёки унга раҳбарлик қилиш, шунингдек, уларнинг мавжуд бўлиши ва ишлаб туришини таъминлашга қаратилган фаолият билан шуғулланиб, қонунда белгиланган тартибда судланган ва судланганлиги тугалланмаган ёки олиб ташланмаган шахс томонидан ЖКнинг 164-моддаси билан тақиқланган босқинчилик жинояти содир этилган ҳолатларда, мазкур шахснинг ҳаракатлари жиноят кодексининг 164-моддаси 3-қисми “а” банди(такроран, хавфли рецидивист ёки илгари ушбу кодекснинг 242-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс томонидан) билан жавобгарликка тортилади. ***Бироқ, ЖКнинг бир қанча моддаларида назарда тутилган нормаларга ўхшаш ҳолатлар бошқа моддаларда квалификацияловчи банд сифатида киритилган.*** Масалан, шахс томонидан дастлаб ЖКнинг 135-моддасининг 2-қисми “а” бандида назарда тутилган *одам савдоси, яъни одамни олиш-сотилиш ёхуд одамни ундан фойдаланиш мақсадида ёллаш, ташилиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш жинояти шахсни ўғирлаш, зўрлик ишлатилиш ёки зўрлик ишлатилиш билан қўрқитилиш ёхуд мажбурлашнинг бошқа шакллари қўллаш орқали содир этганлиги сабабли судланиб, судланганлиги ЖКда белгиланган тартибда тугалланмаган ёки олиб ташланмаган шахс томонидан кейинчалик ЖКнинг 137-моддаси билан тақиқланган шахсни гаровга олиш билан боғлиқ бўлмаган одам ўғирлаш жинояти содир этилса ушбу шахснинг ҳаракатлари ЖКнинг 137-моддаси 1-қисми билан эмас, балки 137-модда 2-қисми “г” бандида белгиланган такроран ёки хавфли рецидивист томонидан деб белгиланган банд билан*

квалификация қилиниши лозим бўлади ва бу бандга илгари ЖКнинг 135-моддаси 2-қисми “а” бандида назарда тутилган қилмишни содир этганлик белгиси қўшимча қилиниши лозим бўлади.

Бошқа бир ҳолат шахс томонидан ЖКнинг 251-моддасида “Кучли таъсир қилувчи ёки захарли моддаларни ўзрилиқ ёки фирибгарлик йўли билан қонунга ҳилоф равишда эгаллаш” учун жавобгарлик белгиланган ва ушбу модданинг 2-қисми “в” бандида мазкур қилмишнинг ўзлаштириш, растрата қилиш ёхуд мансаб мавқеини суистемол қилиш йўли билан, “г” бандида талончилик ва 3-қисм “а” бандида босқинчилик йўли билан содир этилган ҳолатларда жавобгарлик белгиланган. Бироқ шахс томонидан дастлаб ЖКнинг 251-моддасининг юқорида кўрсатилган бандларида назарда тутилган жиноят содир этилиб, судланганидан сўнг, қонунда белгиланган тартибда судланганлик муддати ўтиб кетмасдан ёки олиб ташланмасдан туриб кейинчалик ЖКнинг 164, 166, 167, 168, 169-моддаларида назарда тутилган қилмишлар содир этилган ҳолларда шахснинг қилмиши ЖКнинг тегишли моддалари билан квалификация қилинади ва унинг олдинги содир этган қилмиши учун судланганлиги оддий рецидив деб топилиб ЖКнинг 56-моддасига асосан оғирлаштирувчи ҳолат сифатида инобатга олинади. Фикримча, мазкур ҳолатда гарчи жиноятнинг объекти турли ҳил бўлсада, барча ҳолатда жиноятни содир этиш усули бир ҳил бўлганлиги сабабли қилмиш тегишли моддаларнинг хавфли рецидивист томонида деган банди билан квалификация қилиниши лозим бўлади. Масалан шахс ЖКнинг 251-моддаси билан тақиқланган жиноятни содир этса, аниқроқ қилиб айтганда, кучли таъсир қилувчи моддаларни улар махсус сақланадиган бинолардан ўғирлаш орқали қўлга киритганлиги сабабли судланган бўлса ва мазкур судланганликнинг қонунда белгиланган муддатлари ўтиб кетмасдан ЖКнинг 169-моддасида назарда тутилган ўғрилиқ жиноятини содир этса, мазкур шахснинг қилмиши ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди(такроран ёки хавфли рецидивист томонидан) билан квалификация қилиниши лозим, зеро шахс ҳар иккала ҳолатда ўғрилиқ жиноятлари содир этиляпти.

Бир қанча маротаба жиноят содир қилгандан сўнг суд томонидан белгиланган тартибда ўта хавфли рецидивист мақоми берилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар ҳам ўз навбатида содир этилиш усули ва бошқа жиҳатлари билан оддий жиноятлардан ажралиб туради. Эътиборли томони шундаки, мамлакатимизда ўта хавфли рецидивистлар томонидан жиноят содир этиш даражаси йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг амалдаги таҳририда хавфли рецидивист ёки ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган тегишли жиноятлар учун жавобгарликни кучайтириш кўзда тутилади. Ушбу қоида содир этилган жиноятларга нисбатан жазо қўллашда оғирлаштирувчи ҳолатлардан фойдаланиш учун сабаб бўлиб ҳизмат қилади ва шунга кўра шахс томонидан жиноят содир этилган тақдирда объектив асосда оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлмаган ҳолатларда ҳам субъектнинг илгари содир этган қилмишлари учун қонунда белгиланган тартибда хавфли рецидивист ёки ўта хавфли рецидивист деб топилганлиги жавобгарликни оғирлаштириш учун асос бўлиб ҳизмат қилади. Масалан, суд томонидан қонунда белгиланган тартибда ўта хавфли рецидивист деб тан олинган шахс ЖК 169-моддаси 1-қисмида жавобгарлик белгиланган жиноятни содир этганда, шахс илгари ўта хавфли рецидивист деб тан олинганлиги сабабли, унинг ҳаракатлари ЖК 169-моддаси 4-қисми билан квалификация қилинади.

Шу билан бирга, суд томонидан белгиланган тартибда хавфли рецидивист деб тан олинаётганда фақат оғир ва ўта оғир жиноятлар ҳисобга олинishi керак. Бу эса содир этилган қилмишлар учун жавобгарликни асоссиз равишда кучайтиришдан сақлайди.

Ҳорижий давлатлар қонунчилигига назар ташласак, Франция, Япония, Корея каби хорижий давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, ушбу мамлакатларнинг Жиноят қонунчилигида жиноятларнинг оғирлиги даражасига кўра рецидив жиноят турларга бўлинмайди. Ушбу жиноятлар фақат ҳукм чиқаришда ҳисобга олинади.

3-БОБ. БИР ҚАНЧА ЖИНОЯТЛАРНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ НОРМАЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАСИ

3.1. Бир қанча жиноятлар юзасидан хорижий давлатлар тажрибаси

Жиноятни квалификация қилиш тушунчаси назария ва амалиётда икки хил маънода қўлланилади яъни, квалификация бу – муайян мантикий жараён сифатида, у ёки бу шахснинг кўриб чиқиладиган муайян қилмишининг ЖК Махсус қисм нормасида белгиланган жиноят таркиби белгиларига мослигини аниқлашдаги фаолияти ва ижтимоий хавфли қилмига ҳуқуқий жиҳатдан баҳо берилишидир.

Бир қанча жиноятлар тушунчаси борасида кўрлаб ҳуқуқшунос олимлар тадқиқотлар олиб боришган ва уларнинг фикрларига кўра бир қанча жиноятлар тушунчасини турли гуруҳларга бўлган ҳолда турли хил талқин қилиш мумкин.

Бининчи гуруҳ олимлари бир қанча жиноят тушунчасига, жиноятларнинг реал ва идеал жами белгиларидан келиб чиққан ҳолда таъриф беради. Жумладан, ҳуқуқшунос З.А. Незнамованинг таърифига кўра, бир шахс хулқ-атворида жиноят қонунида кўрсатилган Бир қанча ҳуқуқбузарликлар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири мустақил жиноят таркибини ташкил қилса, жиной-ҳуқуқий аҳамиятини сақлаган бўлса ва ушбу ҳар бир жиноят юзасидан жиной тартибда таъқиб қилиш учун процессуал тўқинликлар мавжуд бўлмаса, бир қанча жиноят содир этиш деб топилади. А.И.Сорокин эса бир қанча жиноятлар тушунчасини таҳлил қилар экан, бир қанча жиноят тушунчасига бир шахс томонидан икки ёки ундан ортиқ бир қанча таркибий белгиларга мос келувчи мустақил жиноятларни (жиноятлар реал жами) шунингдек, бир шахс томонидан камида иккита турли жиноятлар таркибий белгиларига эга бўлган битта жиноят содир этишилиши (жиноятлар идеал мажмуи) ва мазкур жиноятларга нисбатан жиноят-ҳуқуқий оқибатлар сақланиб қолган бўлиши ва жиноят иши қўзғатиш учун процессуал тўсиқлар

мавжуд бўлмаслиги сифатида таъриф беради³⁷. Гувоҳи бўлганимиздек, ҳуқуқшунос З.А. Незнамова ва А.И. Сорокинлар бир қанча жиноят тушунчасига жиноят процесси элементларини ҳам киритадилар. Ваҳоланки, бир қанча жиноят тушунчасига ушбу ўринда айнан жиноят ҳуқуқи нуқтаи назаридан ёндашиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Юқоридагиларга ўхшаш таърифни бошқа олимларнинг асарларида ҳам учратиш мумкин. Хусусан, ҳуқуқшунос олим И.Г.Возжанникованинг фикрича, бир қанча жиноят содир этиш деганда бевосита Жиноят кодексининг умумий қисмида назарда тутилган бир қанча жиноят шакллари, хусусан, жиноятлар мажмуи, ҳукмлар мажмуи, рецидив ва судланганликка эга бўлган шахснинг рецидив жиноят белгиларига эга бўлмаган ҳолда такроран жиноят содир қилиши тушунилади.

Бир қанча жиноят тушунчасини изоҳлашда шуни ҳам инобатга олиш керакки, баъзи ҳолатларда бир қанча жиноятлар турли вақтларда бир нечта жиноий қилмиш содир этилиши натижасида амалга оширилса, бошқа ҳолатларда бир вақтда битта жиноий ҳаракат содир этилиши билан қилмиш Жиноят кодексининг Махсус қисми бир ёки бир нечта моддаларига мос келувчи бир қанча жиноятлар деб топилади. Бир шахс томонидан турли вақтларда икки ёки ундан ортиқ жиноятлар содир этилишининг ўзи ҳам бир-биридан тубдан фарқ қилади. Яъни баъзи ҳолатларда шахс томонидан илгари содир этган жинояти учун ҳам жиноий жавобгарликка тортилмасдан туриб, кетма-кет бир нечта жиноятлар содир этилса, бошқа ҳолатларда шахс содир этган жинояти учун қонунда белгиланган тартибда жиноий жавобгарликка тортилгандан сўнг, шунингдек, Жиноят кодексининг 64, 65, 66, 66¹, 68, 70, 73, 75, 76-моддаларида назарда тутилган асосларда жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилингандан сўнг жиноят содир этилиши бир биридан фарқ қилади.

³⁷ А.И.Сорокин. Множественность преступлений и ее уголовно-правовая оценка. Автореферат диссертации на соискание учёной степени кандидата юридических наук по специальности 12.00.08 – уголовное право и криминология, Уголовно-исполнительное право. Москва, 2008. –С.12.

Яна бир гуруҳ олимлари бир қанча жиноят тушунчасига бир шахс томонидан алоҳида жиноят таркибига эга бўлган бир қанча мустақил жиноятларни содир этиш деб таъриф беради. Хусусан, Г.Г.Кривалопов

Бир қанча жиноятни шахс томонидан жиноят қонунининг бир ёки бир нечта моддаларида, шунингдек, модданинг қисмларида кўрсатилган икки ёки ундан ортиқ жиноятларнинг содир этилиши, икки ёки ундан ортиқ жиноятларнинг хар бири мустақил равишда содир этилган ва ягона жиноят сифатида эътироф этилиб, жиноят қонунининг алоҳида моддалари ёки модданинг қисмлари билан квалификация қилиниши ҳамда Бир қанча жиноятлар таркибига кирувчи хар қайси жиноят ўзининг содир этилиш факти асосида вужудга келадиган жиноят-ҳуқуқий оқибатини сақлаб қолиши лозим деб таъкидлайди³⁸.

Бир қанча жиноятлар юзасидан махсус тадқиқотлар олиб борган миллий ҳуқуқшунос олим М. Жиянов хорижий давлатлар жиноят қонунларини тадқиқ этар экан, деярли барча давлатлар жиноят қонунчилигида «бир қанча жиноят» тушунчасига етарлича таъриф берилмаганлигини таъкидлаб ўтган ва бир қанча жиноят тушунчасига қуйидагича таъриф берган: “Жиноят кодексининг махсус қисми бир моддасида ёки бир моддасининг битта қисмида ёки турли қисмида ёхуд турли моддаларида назарда тутилган, жиной-ҳуқуқий аҳамиятини йўқотмаган икки ёки ундан ортиқ жиноятларнинг бир вақтда ёки турли вақтларда айнан бир шахс томонидан содир этилиши бир қанча жиноят содир этиш деб топилади³⁹”.

М.М.Қодиров эса, шахс томонидан жиноят қонунининг бир ёки бир нечта моддалари ёки моддаларининг қисмларида назарда тутилган икки ёки ундан ортиқ жиноят содир этилиши, содир этилган хар қайси қилмишнинг мустақил ягона жиноят ҳисобланиши ва алоҳида модда ёки модданинг қисми бўйича квалификация қилиниши ҳамда бир қанча жиноятни вужудга келтирувчи

³⁸ Уголовное право Россия. Практический курс: учебник.// Wolters Kluwer Russia-2010.-С.772

³⁹ М.Х.Жиянов. жиноят ҳуқуқида бир қанча жиноят содир этиш жиноятини мониторинг қилишнинг аҳамияти. “Қонунлар ижроси мониторинги : назария ва амалиёт масалалари”. Илмий-амалий конференция материаллари/ Масъул муҳаррир: ю.ф.д.проф. Ш.Х.Файзиев. –Т.: 2010. –Б.57-60

жиноятларнинг ҳар қайсиси учун унинг содир этилганлиги фактидан келиб чиққан жиноят-ҳуқуқий оқибатнинг сақланиб қолишини бир қанча жиноятларнинг белгилари сифатида кўрсатади⁴⁰.

В.В.Коряковцев ва К.В.Питульколарнинг фикрича, бир қанча жиноятлар деганда айни бир шахс томонидан жиноят қонунида жавобгарлик белгиланган, алоҳида жиноят таркибига эга бўлган Бир қанчажиноятнинг содир этилиши тушунилади⁴¹. Бир қанча жиноят содир этиш бир шахс томонидан содир этилган барча қилмишларнинг юридик нуқтаи назаридан бир нечта мустақил жиноятларга бўлиниши билан тавсифланади.

Мазкур тоифадаги яна бир олима М.Б.Плотникова бир қанча жиноят содир этишни айбдор шахс томонидан ўзининг жиноят-ҳуқуқий ахамиятини йўқотмаган ва ҳар бири юзасидан жиноят ишини юритишда ҳуқуқий тўсиқлар бўлмаган икки ёки ундан ортиқ жиноятларнинг содир этилишида ифодалайди⁴². Шунингдек, М.Б.Плотникова бир қанча жиноят содир этишнинг ҳуқуқий белгиларини шартли равишда икки турга, яъни миқдор ва сифат белгиларига ажратиб ўрганиш мумкунлигини қайд этади. Миқдор белгиларига икки ва ундан ортиқ жиноятларнинг содир этилиши киритади, сифат белгиларига эса мустақил жиноят таркиби белгиларини ўз ичига олган бир ёки бир нечта ижтимоий хавфли қилмишларнинг содир этилиши, ҳеч бўлмаганда икки жиноий қилмишнинг жиноят-ҳуқуқий оқибатлари мавжуд бўлиши ва жиноят ишини юритишда ҳуқуқий тўсиқларнинг бўлмаслиги киради⁴³.

Бошқа бир гуруҳ олимлари бир қанча жиноят тушунчасига бир қанча жиноят шаклларидан келиб чиқиб таъриф берадилар. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 8-бобида “Бир қанча жиноятлар”

⁴⁰ Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Муаллифлар жамоаси. Дарслик. –тошкент. Академия ноширлик маркази, 2005. –В.250.

⁴¹ Коряковцев.В.В., Питулько К.В. Уголовное право: обшая часть, -СПб: ООО “Питер Пресс, 2008. –С.113.

⁴² Плотникова.М.Б. Множественность преступлений: соотношение её разновидностей. Учебное пособие. – М.2012. –С. 6-7.

⁴³ Плотникова.М.Б. Множественность преступлений: соотношение её разновидностей. Учебное пособие. – М.2012. –С. 6-7.

тушунчасига таъриф берилмаган бўлиб, фақат бир қанча жиноятларнинг шакллари бўлган такроран жиноят содир этиш (ЖКнинг 32-моддаси), жиноятлар мажмуи (ЖКнинг 33-моддаси), рецидив жиноятлар (ЖКнинг 34-моддаси), назарда тутилган.

Ушбу турдаги олимлардан бири В.П.Малковнинг фикрича, бир қанча жиноят содир этиш икки шаклда: жиноятларнинг идеал мажмуи ва такрорийликда яққол намоён бўлади ҳамда бу икки тушунча тенг ва баравр тоифадаги юридик тушунчалар ҳисобланади⁴⁴. Ўз навбатида, такрорийлик ҳам иккига бўлинади:

1. шахснинг илгари содир этган жинояти учун судланганлиги билан боғлиқ такрорийлик.
2. шахснинг илгари содир этган жинояти учун судланганлиги билан боғлиқ бўлмаган такрорийлик;

Шахснинг илгари содир этган жинояти учун судланганлиги билан боғлиқ бўлмаган такрорийлик ҳам Бир қанчамарта жиноят содир этиш, муттасил равишда жиноят содир этиш, жиноят содир қилишни касб қилиб олиш ва жиноятларнинг реал мажмуига бўлинади.

И.Г.Возжанникованинг фикрига кўра, Жиноят кодексининг умумий қисмида назарда тутилган бир қанча жиноят шакллари, жумладан, жиноятлар мажмуи, Бир қанчаҳукм, рецидив ва судланганликка эга бўлган шахснинг рецидив жиноят белгиларига эга бўлмаган ҳолда такроран жиноят содир этиши бир қанча жиноят содир этиш деб топилади⁴⁵.

Тўртинчи гуруҳдаги олимлар бир қанча жиноят тушунчасида шахснинг фақат судланмаганлиги эмас, балки судланганлигини ҳам назарда тутди. Мазкур тоифадаги ҳуқуқшунос олимлардан бири И.Б.Агаевнинг фикрича, бир қанча жиноят содир этиш деганда мустақил

⁴⁴ В.П.Малков. Множественность преступлений: сущность, видк, правовое значение Монография. –Казань: Таглимат, 2006. 140 с.

⁴⁵ И.Г.Возжанникова. Рецидив преступлений в уголовном праве России: понятие, видк, значение. Диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук по специальности 12.00.08-уголовное право и криминалогия; уголовно-исполнительное право. –Москва, 2014. – 12-13 с.

жиноят таркиби белгиларини ўзида мужассам этган икки ёки ундан ортиқ жиноятларнинг содир этилиши, агар ушбу жиноятларнинг ҳеч бўлмаганда иккитасида жиной-ҳуқуқий оқибатларни инкор қилувчи ҳолатлар бўлмаслиги тушунилади ва ушбу жиноятлар учун шахс олдин жиной-жавобгарликга тортилган ёки тортилмаганлиги аҳамиятга ега эмас⁴⁶.

М.Х.Рустамбоевнинг фикрича, қонун кўрсатмасига биноан шахснинг суд ҳукми асосида аниқланган икки ёки ундан ортиқ жиноятлар, улардан бирортаси учун шахснинг судланган ёки судланмаганлигидан қатъи назар содир этиши бир қанча жиноятлар деб топилади. Худди шундай фикрни ҳуқуқшунос олим В.В.Савин ҳам билдириб, ушбу тушунчани жиноят қонунчилигида мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқлигини таъкидлайди ва Жиноят кодексининг махсус қисми турли моддалари ёки модданинг қисмларида назарда тутилган ва мустақил жиноят таркибига эга бўлган икки ёки ундан ортиқ жиноятларни судланган-судланмаганлигидан қатъи назар бир шахс томонидан содир этилиши, бунда ҳеч бўлмаганда содир этилган жиноятлардан камида иккитасида уларни содир этишнинг жиноят-ҳуқуқий оқибатлари сақланиб қолиши ҳамда жиноят иши қўзғатиш учун процессуал тўсиқлар мавжуд бўлмаслигини бир қанча жиноят сифатида талқин қилишни таклиф қилади⁴⁷.

Шунингдек, яна бир ҳуқуқшунос олим В.П.Малковнинг фикрича, “судланган ёки судланмаганлигидан қатъи назар, шахс томонидан икки ёки ундан ортиқ жиноятни шу жиноятларнинг ҳеч бўлмаганда иккитаси юзасидан юридик оқибатлар мавжуд бўлган ҳолда ёхуд жиной-ҳуқуқий таъқиб қилиш учун процессуал тўсиқликлар бўлмаган ҳолда содир қилиш” бир қанча жиноятлар тарзида тушунилади⁴⁸.

⁴⁶ И.Б.Агаев. Множественность и повторность преступлений в квалификации уголовно-правовых террористических деяний против безопасности: национальный и международный аспект // Международное сотрудничество евразийских государств: политика, экономика, право. М-2017, -С74.

⁴⁷ Е.В.Благов. Применение уголовного право. Иосква, 2004. –С 506.

⁴⁸ В.П.Малков. Множественность преступлений: сущность, видк, правовое значение Монография. –Казань: Таглимат, 2006. 140 с.

Юқорида фикрлари қайд этилган олимларнинг қарашларини ўрганган ҳолда айтиш мумкинки, бир қанча жиноятларни тури ҳисобланган уч институтни бир-биридан ажратиш ва уларни тўғри квалификация қилиш содир этилган қилмишга тўғри ҳуқуқий баҳо бериш орқали адолатли жазо тайинлаш ва жиноят кодексига белгиланган одиллик принципини рўёбга чиқаришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

3.2. Бир қанча жиноятларни квалификация қилиш юзасидан амалдаги қонунчилик муаммоларига ечимлар

Юқорида келтирилган бир қанча жиноятларнинг тизимли ва изчил таҳлиliga асосан жиноят қонунчилигимизни такомиллаштириш ва бу орқали амалдаги жиноят қонунчилигидаги мавжуд бўшлиқлар ва коллизия ҳолатларни бартараф этиш мақсадида қуйидаги таклифларни келтириб ўтамиз:

Такроран жиноят содир этиш

1. Давомли ва такрорий жиноятларга тўғри баҳо бериш.

Жиноят қонунчилигида такрорий жиноятларни давомли жиноятлардан фарқлаш, уларга тўғри баҳо бериш, содир этилган жиноятга ва ушбу жиноятни содир этган шахсни ижтимоий хавфлилигига эътибор қаратиш жиноят кодексининг олдига қўйилган бирламчи вазифаларидан биридир. Бироқ ҳозирги кунда жиноятнинг содир этишга бўлган қасд алоҳида юзага келган ва қилмиш турли вақтларда битта шахсга нисбатан содир этилганда қилмиш давомли жиноят сифатида квалификация қилиниш ҳолатларига кўплаб дуч келамиз. Масалан, Масалан, “А” исмли шахс томонидан “В” исмли шахсга нисбатан ЖКнинг 118-моддаси билан тақиқланган номусга тегиш жинояти содир этилган, орадан 2, 5, 7 кун ўтиб мазкур жиноий қилмиш жами 4 марта такрорланган ва “В” исмли шахс охириги марта содир этилганидан сўнг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тегишли тартибда хабар берган, амалдаги жиноят қонунчилигида юқорида номи қайд этилган “А” исмли шахснинг қилмишини тегишли модданинг такроранлик белгиланган банди

билан квалификация қилиш ёки давомли жиноят сифатида ЖК 118-моддаси 1-қисми билан квалификация қилиш юзасидан тушунмовчиликлар келиб чиқади. Бир қарашда “А” исмли шахс томонидан содир этилган қилмиш давомли жиноятга ўхшайди, чунки ЖКнинг 32-моддаси 3-қисмида “умумий қасд билан қамраб олинган ва ягона мақсадга йўналтирилган бир жиноят таркибини ташкил қилувчи бир-бирига ўхшаш бир неча қилмишлардан иборат бўлган жиноят такроран эмас балки давомли жиноят деб топилиши ҳақидаги қоида келтирилган”. Бироқ менинг фикримча “А” исмли шахс томонидан содир этилган мазкур қилмиш гарчи юқорида келтирилган норманинг “бир жиноят таркибини ташкил қилувчи, яъни ЖКнинг 118-моддаси билан тақиқланган жиноий қилмишнинг таркибини ташкил қилувчи бир неча жиноий қилмишлардан иборат бўлса” деб белгиланган қисмига тўғри келсада мазкур норманинг “Умумий қасд билан қамраб олинган ва ягона мақсадга йўналтирилган” деган қисмига мувофиқ эмас, Чунки юқорида номи қайд этилган “А” исмли шахснинг ҳаракатларида қасд ҳам мақсад ҳам жиноятни ҳар сафар содир этган вақтида алоҳида алоҳида юзага келган, шу сабабли мазкур қилмиш ЖКнинг 118-моддаси 2-қисми “б” бандида келтирилган такроранлик белгиси билан квалификация қилиниши лозим бўлади.

Олий суд Пленумининг “Бир қанча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида”ги қарорининг 4-бандида “Жиноятлар такроранлигини бир қатор айнан ўхшаш хатти-ҳаракатлар билан турли вақтларда содир этилган бўлса-да, бироқ ягона қасд билан қамраб олинган, объекти ва содир этиш усули, оқибатлари бир хиллиги жиҳатидан ўзаро ўхшаш давомли жиноятдан фарқлаш лозим. Бундай ҳолларда барча қилмиш Жиноят кодексининг мазкур жиноятни содир этганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи битта моддаси ёки моддаси қисми билан квалификация қилиниши лозимлиги акс эттирилган.

Шунингдек ушбу пленум қарори 4-банди 2-хатбошисида “Давомли жиноят бир неча хатти-ҳаракатлардан охиргиси содир этилган пайтдан бошлаб тугалланган деб ҳисобланиши” келтириб ўтилган.

Бироқ юқоридаги ҳолатни давомли жиноят сифатида квалификация қилиш нўтоғри, чунки “А” “В”га нисбатан номусга тегиш жиноятини биринчи марта содир қилиш вақтида жами 4 маротаба жинсий алоқа қилишни мақсад қилмаган, яъни ҳар сафар жинсий алоқа қилиш мақсади алоҳида-алоҳида юзага келган. Шу сабли мазкур ҳолатни умумий қасд билан қамраб олинган ва ягона мақсадга йўналтирилган ҳолат сифатида баҳолашимиз нотоғри.

2. Такроран ва хавфли рецидивистлик томонидан жиноят содир этилиши

Жиноят кодекси Махсус қисмининг бир қанча моддаларининг диспозицияси ва тегишли бандларида жиноятни содир этиш усули сифатида келтирилган қилмишлар билан бир хил ёки ўхшаш қилмишлар учун махсус қисмининг бошқа моддаларида жавобгарлик назарда тутилганлигини инобатга олиб ушбу ҳолатларда жиноятларнинг такроранлиги ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилганлик белгиси билан квалификация қилиш ва бу орқали шахс томонидан содир этилган жиноятнинг ва содир этган шахснинг ижтимоий хавфлилигига тўғри баҳо бериш орқали ЖКда белгиланган одиллик ва айб учун жавобгарлик принципларини рўёбга чиқариш лозим бўлади. Бунинг учун эса ЖКнинг 32 ва 34-моддаларига қуйидаги тартибда ўзгартириш киритилиши таклиф этилади:

ЖК 32-моддаси 1-қисми;

*“Ушбу кодекс махсус қисмининг айна бир моддасида, қисмида, Кодексида алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса, турли **моддалари, қисм ва бандларида** назарда тутилган икки ёки бир неча жиноятни шахс турли вақтларда содир этган, аммо уларнинг бирортаси учун ҳам судланган бўлмаса, такроран жиноят содир этиш деб топилади” тарзида ўзгартириш орқали ЖК бир қанча моддаларида қилмишнинг такроранлиги учун белгиланган қисми ва бандлар киритиш лозим бўлади.*

ЖКнинг 34-моддаси 2-қисмини эса қуйидаги тартибда:

“Илгари ҳукм қилинган жиноятига ўхшаш жиноят содир этган, ушбу кодексда алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса, Махсус қисмининг бошқа

моддалари, қисм ва бандлари билан ҳам ҳукм қилинган шахснинг қасддан янги жиноят содир этиши хавfli рецидив жиноят деб топилади” тарзида ўзгартириши орқали ЖК бир қанча моддалаида қилмишининг хавfli рецидив тарзида квалификация қилувчи қисми ва бандлар киритиши лозим бўлади.

Негаки, юқорида келтириб ўтилган ҳолатга эътиборимизни каратадиган бўлсак, ЖКнинг 271-моддаси билан тақиқланган гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психатроп моддаларни қонунга ҳилоф равишда, **ўғрилиқ ёки фирибгарлик** ёли билан эгаллаш жиноятини содир этган ва мазкур қилмиши учун судланмаган ёки судланганлиги белгиланган тартибда тугалланмаган, олиб ташланмаган шахс томонидан кейинчалик ЖКнинг 168, 169-моддалари билан тақиқланган **ўғрилиқ ёки фирибгарлик** жиноятини содир этган шахснинг қилмиши ЖКнинг 271-моддаси ҳамда 168-моддаси 3-қисми “б” банди ёки 169-моддаси 3-қисми “а” банди яъни такроранлик белгиси билан квалификация қилиниши лозим бўлади ва ушбу бандни **“Такроран, хавfli рецидивист ёки илгари ушбу кодекснинг 247, 251, 252 ва 271-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан”** тарзида ўзгартирилиши лозим, чунки биринчи ҳолатда қонун билан тақиқланган *гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психатроп моддаларни уғрилиқ ёки фирибгарлик* йўли билан қўлга киритилса кейинги ҳолатда ўзганинг мол-мулкини алдаш ёки ишончни суистеъмол қилиш ёки яширин равишда талон тарож қилиш йўли билан қўлга киритилмоқда. Яъни ҳар икала ҳолатда ҳам жиноятни содир этиш усул ва воситалари айнан ўхшаш бўлади.

ЖК махсус қисмининг бир қанча, аниқроқ қилиб айтганда 135, 137, 164, 165, 166, 167, 168, 169, 247, 251, 252, 271 моддаларида юқоридаги каби ҳолатлар мавжудлигини инобатга олиб, ушбу моддаларга қуйидаги ўзгартиришлар киритишни таклиф қиламан:

ЖКнинг 137-моддаси 2-қисми “г” банди, яъни “Такроран ёки хавfli рецидивист томонидан содир этилган бўлса” тарзидаги бандни “Такроран,

хавфли рецидивист ёки илгари ушбу кодекснинг 135-м. 2-қ. “а” бандида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан” тарзида;

ЖКнинг 164-моддаси 3-қисми “а” банди, яъни “Такроран, хавфли рецидивист ёки илгари ушбу кодекснинг 242-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс томонидан” тарзидаги бандни “Такроран, хавфли рецидивист ёки илгари ушбу кодекснинг 242-моддаси, 247-м. 3-қ. “а” банди, 251-м. 2-қ. “а” банди, 252-м. 2-қ. “а” банди ва 271-м. 3-қ. “в” бандларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан” тарзида;

ЖКнинг 166-моддаси 3-қисми “а” банди, яъни “Такроран ёки хавфли рецидивист томонидан” тарзидаги бандни “Такроран, хавфли рецидивист ёки илгари ушбу кодекснинг 247-м. 2-қ. “г” банди, 251-м. 2-қ. “г” банди ва 271-м. 2-қ. “г” бандларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан” тарзида;

ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “а” банди, яъни “Такроран ёки хавфли рецидивист томонидан” тарзидаги бандни “Такроран, хавфли рецидивист ёки илгари ушбу кодекснинг 247-м. 2-қ. “в” банди, 251-м. 2-қ. “в” банди, ва 271-м. 2-қ. “в” бандларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан” тарзида;

ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди, яъни “Такроран ёки хавфли рецидивист томонидан” тарзидаги бандни “Такроран, хавфли рецидивист ёки илгари ушбу кодекснинг 247-м, 251-м, 252-м ва 271-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан” тарзида;

ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди, яъни “Такроран ёки хавфли рецидивист томонидан” тарзидаги бандни “Такроран, хавфли рецидивист ёки илгари ушбу кодекснинг 247-м, 251-м, 252-м, ва 271-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан” тарзида ўзгартириш орқали шахс томонидан айнан бир хил ёки ўхшаш жиноятлар содир этилганда ёхуд жиноятларнинг содир этиш усул ва воситалари ўхшаш бўлганда мазкур қилмишларни такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилганлик белгиси билан квалификация қилиш орқали содир этилган қилмишга ва уни

содир этган шахснинг ижтимоий хавфлилигига тўғри баҳо бериш ва адолатли жазо тайинлаш лозим бўлади.

Жиноятлар мажмуи

ЖКнинг 32-моддасида жиноятлар мажмуига таъриф берилган бўлиб, ушбу модданинг 1-қисмида ЖК Махсус қисмининг турли моддаларида ёки *битта моддасининг турли қисмларида*, жавобгарликка тортиладиган икки ёки бир неча жиноий қилмишни содир этиш, агарда улардан бирортаси учун ҳам шахс судланган бўлмаса, жиноятлар мажмуи деб топилиши белгиланган. Бироқ ушбу қисмда келтирилган *“битта моддасининг турли қисмларида”* тарзида белгиланган жумла ушбу модданинг 2-қисмида келтирилган “Агар шахс содир этган қилмишда ЖК Махсус қисми битта моддасининг турли қисмларида назарда тутилган жиноятларни турли вақтларда содир қилиш ҳам жиноятлар жамини ташкил қилади ва мазкур ҳолатда қилмиш модданинг оғирроқ жазо белгиланган қисми бўйича квалификация қилинади” тарзида белгиланган қоидага бир мунча зид ва тушунмовчиликларни келтириб чиқаради. Ушбу муаммони бартараф этиш учун ЖК 32-моддаси 1 қисмидаги *“ЖК Махсус қисмининг битта моддасининг турли қисмларида назарда тутилган”* деб белгиланган жумлани чиқариб ташлаш ва Махсус қисмининг турли қисмларида турли хилдаги жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган моддаларни бошқа моддаларга ажратиб чиқиш лозим бўлади. Жумладан ЖКнинг 113, 131, 144, 148, 154, 155, 156, 183, 192⁹, 198, 228, 242, 273-моддаларининг турли қисмларида турли хилдаги жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, ушбу моддаларни алоҳида-алоҳида моддаларда ажратиб чиқиш лозим.

Бошқа бир таклиф, миллий қонунчилигимизда жиноятларнинг идеал жами мавжуд бўлганда уларни жиноятлар мажмуи тарзида квалификация қилиш ҳолатида нотўғри тушунчалар ва изоҳлар келиб чиқишини олдини олиш мақсадида ЖКнинг 32-моддасига ушбу ҳолатни аниқ ифодалаб бера

оладиган ва таснифлайдиган қуйидаги йўсинда банд киритишимиз лозим бўлади **“Ушбу Кодекс Махсус қисмининг икки ёки ундан ортиқ моддаларида назарда тутилган бир неча жиноят таркибини келтириб чиқарадиган битта қилмишни содир этиш, агар ушбу нормаларнинг бири билан тўлиқ қамраб олинмаган бўлса, жиноятлар мажмуи деб топилади.** Зеро, идеал мажмуа шароитида жиноятларни тўғри квалификация қилиш фуқароларнинг ижтимоий-ҳуқуқий кафолатларини таъминлаш ва давлатнинг жиноятга оид сиёсатини шакллантиришда муҳим рол уйнайди. Ва ушбу норма жавобгарликка тортиладиган икки ёки бир неча жиноий оқибатни келтириб чиқарадиган битта қилмиш содир этилганда қилмишни жиноятлар мажмуи деб топилишига асос бўлиб хизмат қилади ва шу орқали суд амалиётидаги мавжуд муаммоларни бартараф этишга кўмаклашади. Хорижий давлатларнинг жиноят қонунчилигига назар ташлайдиган бўлсак, мазкур амалиётни Латвия, Озарбайжон ва қўшни Қозоғистон Республикаларининг амалдаги жиноят кодексларида учратишимиз мумкин.

ХУЛОСА

Илмий адабиётлар, хорижий мамлакатлар қонунчилиги таҳлили ҳамда амалиёт статистик маълумотларни ўрганиш ва таҳлил қилиш натижалари асосида қуйидаги таклиф ва илмий тавсиялар ишлаб чиқилди:

I. Такроран жиноят содир этиш қоидаларинини такомиллаштириш бўйича таклиф:

1. Юқорида келтирилган мисолларга ўхшаш ҳолатларда, яъни гарчи жиноятларнинг объекти ва содир этиш усули, оқибатлари бир хиллиги жиҳатидан ўзаро ўхшаш бўлсада, бироқ содир этилган қилмишлар ягона қасд билан қамраб олинмаган ҳолатларда ушбу қилмишларни *давомли жиноят тарзида эмас, балки такрорий* жиноят сифатида баҳолашимиз лозим.

2. ЖК 32-моддаси 1-қисмини қуйидаги тартибда:

“Ушбу кодекс махсус қисмининг айна бир моддасида, қисмида, Кодекса алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса, турли **моддалари, қисм ва бандларида** назарда тутилган икки ёки бир неча жиноятни шахс турли вақтларда содир этган, аммо уларнинг бирортаси учун ҳам судланган бўлмаса, такроран жиноят содир этиш деб топилади” тарзида ўзгартириш орқали ЖКнинг бир қанча моддаларидаги жумладан, ЖКнинг 135, 247, 251, 252, 271-моддаларининг қисми ва бандларни бошқа бир моддаларда яъни, ЖКнинг 137, 164, 166, 167, 168, 169-моддаларида алоҳда кўрсатилган ҳол тарзида жавобгарликка тортиш учун асос бўлиб хизмат қилувчи банд сифатида киритиш лозим бўлади.

II. Жиноятлар мажмуида квалификация қилиш қоидаларини такомиллаштириш бўйича таклиф:

1. ЖКнинг 32-моддасида жиноятлар мажмуига таъриф берилган бўлиб, ушбу модданинг 1-қисмида ЖК Махсус қисмининг турли моддаларида ёки *битта моддасининг турли қисмларида назарда тутилган*, жавобгарликка тортиладиган икки ёки бир неча жиноий қилмишни содир этиш, агарда улардан бирортаси учун ҳам шахс судланган бўлмаса, жиноятлар мажмуи деб

топилиши белгиланган. Ушбу қисмда келтирилган **“битта моддасининг турли қисмларида назарда тутилган”** тарзида белгиланган жумла ушбу модданинг 2-қисмида келтирилган “Агар шахс содир этган қилмишда ЖК Махсус қисми битта моддасининг турли қисмларида назарда тутилган жиноятларни турли вақтларда содир қилиш ҳам жиноятлар жамини ташкил қилади ва мазкур ҳолатда қилмиш модданинг оғирроқ жазо белгиланган қисми бўйича квалификация қилинади” тарзида белгиланган қоидага зид.

Шу сабабли, ЖК 32-моддаси 1-қисмидаги **“ЖК Махсус қисмининг битта моддасининг турли қисмларида”** деб белгиланган жумлани чиқариб ташлаш ва “ЖК Махсус қисмининг турли моддаларида назарда тутилган, жавобгарликка тортиладиган икки ёки бир неча жиноий қилмишни содир этиш, агарда улардан бирортаси учун ҳам шахс судланган бўлмаса, жиноятлар мажмуи деб топилади тарзида келтириш таклиф этилади. Ушбу жумлани ЖКдан чиқариб ташлаш муносабати билан Махсус қисмининг 113, 131, 144, 148, 154, 155, 156, 183, 192⁹, 198, 228, 241, 242, 273-моддаларининг турли қисмларида турли хилдаги жиноятлар учун жавобгарлик белгиланганлигини инобатга олиб мазкур моддаларни алоҳида-алоҳида моддаларда ажратиб чиқиш лозим бўлади.

2. Миллий қонунчилигимизда жиноятларнинг идеал жами мавжуд бўлганда уларни жиноятлар мажмуи тарзида квалификация қилиш ҳолатида нотўғри тушунчалар ва изоҳлар келиб чиқишини олдини олиш мақсадида ЖКнинг 32-моддасига қуйидаги йўсинда банд киритишимиз лозим бўлади: **“Ушбу Кодекс Махсус қисмининг икки ёки ундан ортиқ моддаларида назарда тутилган бир неча жиноят таркибини келтириб чиқарадиган битта қилмишни содир этиш, агар ушбу нормаларнинг бири билан тўлиқ қамраб олинмаган бўлса, жиноятлар мажмуи деб топилади.** Зеро, идеал мажмуа шароитида жиноятларни тўғри квалификация қилиш фуқароларнинг ижтимоий-ҳуқуқий кафолатларини таъминлаш ва давлатнинг жиноятга оид сиёсатини шакллантиришда муҳим рол уйнайди.

III Рецидив жиноятларни квалификация қилиш қоидаларини такомиллаштириш бўйича таклиф:

ЖКнинг 34-моддаси 2-қисмини эса қуйидаги тартибда:

“Илгари ҳукм қилинган жиноятига ўхшаш жиноят содир этган, ушбу кодексда алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса, Махсус қисмнинг бошқа **моддалари, қисм ва бандлари** билан ҳам ҳукм қилинган шахснинг қасддан янги жиноят содир этиши хавфли рецидив жиноят деб топилади” кўринишида ўзгартириш орқали ЖКнинг бир қанча моддаларидаги жумладан, ЖКнинг 135, 247, 251, 252, 271-моддаларининг қисми ва бандларни бошқа бир моддаларда яъни, ЖКнинг 137, 164, 166, 167, 168, 169-моддаларида алоҳда кўрсатилган ҳол тарзида жавобгарликка тортиш учун асос бўлиб хизмат қилувчи банд сифатида киритиш лозим бўлади.

Сўнгги йилларда бир қанча жиноятлар ва уларни квалификацияси қилиш тўғрисидаги қонун нормалари юзасидан бир қанча ислохотлар амалга оширилди. Жумладан, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимояси, жамият ва давлат манфаатлари, тинчлик ва хавфсизликни таъминлашни инобатга олган ҳолда янада такомиллаштириш ишлари кенг кўламда амалга оширилмоқда. Бироқ тан олиш керакки, фуқароларнинг ҳуқуқларини таъминлаш, одиллик ва инсонпарварлик принципларини рўёбга чиқаришда бир қанча жиноятларни квалификация қилиш амалиётида, умуман жиноят қонунчилигида етарлича камчилик ва муаммолар борлиги тадқиқотимиз давомида кўриб чиқилди. Бир қанча жиноятларни квалификация қилиш тартибини янада такомиллаштириш, унинг самарали механизмини ишлаб чиқиш, ушбу ҳолатда жавобгарликни белгиловчи нормалари ва асосларни аниқлаштириш бугунги даврнинг талаби бўлиб қолмоқда. Шу сабабли жиноят қонунчилигининг ушбу доирасининг изчил таҳлилига таянган ҳолда юқоридаги таклифлар ишлаб чиқилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Раҳбарий адабиётлар:

- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталарига навбатдаги 24.01.2020 йилдаги Мурожаатномаси. <https://president.uz/uz/lists/view/3324>.
- 1.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон.
- 1.3. Ўзбекистон Республикаси Олий суд пленумининг “Бир қанча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида”ги 15.05.2008 йилги қарори.
- 1.4. Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 1999 йил 30 апрелдаги «Ўзгалар мулкни ўғрилик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори.
- 1.5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарор.

2. Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар ва ўқув қўлланмалар:

- 2.1. Ўзбекистон Республикаси жиноят кодекси. Т.: Адолат, 2018й.
- 2.2. Назорат иши ЖСХ 130-10 Олий суд ахборотномаси 2010 йил.
- 2.3. Форма 1-Л. Сравнительные сведения о состоянии преступности в Узбекистане за декабрь (12 месяцев) 2016-2020 г.
- 2.4. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Муаллифлар жамоаси. Дарслик. –Тошкент. Академия ноширлик маркази, 2005.
- 2.5. М.Усмоналиев, Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. –Тошкент.: «Янги аср авлоди», 2005.
- 2.6. Рустамбаев М.Х. Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм. Дарслик. Т.: «Ўқитувчи», 2003.
- 2.7. Иркаҳоджаев А.К, Халикулов У.Ш. научные основы квалификации преступлений. Учебное пособие. –Т. Издательство ТГЮИ, 2007.

- 2.8. Д.Ю.Пайзиев. жиноят ҳуқуқида бир қанча жиноят содир этиш. Ўқув амалий қўлланма. –Т. ИИВА.2016.
- 2.9. Д.Каракетова. Такрорий жиноят ва унинг белгилари. //Huquq va burch - 2012.
- 2.10. Ф.Тохиров. Ўзбекистон Республикаси қонуни бўйича жинсий жиноятлар учун жавобгарлик муаммолари. Юридик фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. –Тошкент. 2007.
- 2.11. М.Х.Жиянов. жиноят ҳуқуқида бир қанча жиноят содир этиш жиноятини мониторинг қилишнинг аҳамияти. “Қонунлар ижроси мониторинги : назария ва амалиёт масалалари”. Илмий-амалий конференция материаллари. Масъул муҳаррир: ю.ф.д.проф. Ш.Х.Файзиев. –Т.: 2010.
- 2.12. Кудрявцев В. Н. Общая теория квалификации преступлений.– М. 2001.
- 2.13. А.И.Сорокин. Множественность преступлений и ее уголовно-правовая оценка. Автореферат диссертации на соискание учёной степени кандидата юридических наук по специальности 12.00.08 – уголовное право и криминология, Уголовно-исполнительное право. Москва, 2008.
- 2.14. Уголовное право Россия. Практический курс: учебник.// Wolters Kluwer Russia-2010.
- 2.15. Коряковцев.В.В., Путилько К.В. Уголовное право: общая часть, -СПб: ООО “Питер Пресс, 2008.
- 2.16. Плотникова.М.Б. Множественность преступлений: соотношение её разновидностей. Учебное пособие. –М.2012.
- 2.17. В.П.Малков. Множественность преступлений: сущность, видк, правовое значение Монография. –Казань: Таглитат, 2006.
- 2.18. И.Г.Возжанникова. Рецидив преступлений в уголовном праве России: понятие, видк, значение. Диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук по специальности 12.00.08- уголовное право и криминология; уголовно-исполнительное право. –Москва, 2014.
- 2.19. И.Б.Агаев. Множественность и повторность преступлений в квалификации уголовно-правовкх террористических деяний против

безопасности: национальнкй и международнкй аспектк//Международное сотрудничество евразийских государство: политика, эканомика, право. М-2017.

2.20. Е.В.Благов. Применение угаловного право. Москва, 2004.

2.21. Козлов.А.В, Севастьянов А.П. Единичные имножетвенные преступления. –СПб.,2011.

2.22. В.Бушков, Уголовно-правовая оценка совокупности преступлений в толкованиях Пленума верховного суда РКФ. // Научный журнал КубГАУ - №104(10). -2014 года.

2.23. Сборник Постановлений Пленума Верховного суда СССР. 1924-1986. М. 1987.

2.24. Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации. - М: Норма - инфра. М. 2001.

2.25. Трайнин А. Н. Уголовное право. Общая часть М.: 1929.

3.Илмий ишлар:

3.1. М.Х.Жиянов. бир қанча жиноят содир этганлик учун жавобгарлик муаммолари. 12.00.08 - жиноят ҳуқуқи ва криминология, жиноят-ижроия ҳуқуқи ихтисослиги бўйича юридик фанлар доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2010 й.

3.2. А.В.Козлов. Ответственность за совокупность преступлений. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Москва, 2006.

3.3. Спивак.С.Г Назначение наказания по совокупности преступлений и совокупности приговоров диссертация кандидата юридических наук : 12.00.08 Спивак светлана Геннадьевна; (Место заўитқ: ГОУВПО “Российская академия правосудия”). –Москва, 2008.

4.Электрон ресурслар:

4.1. www.oliysud.uz <<http://www.oliysud.uz>>

4.2. <http://www.lex.uz>

- 4.3. <http://www.ziyo.uz>
- 4.4. <http://www.gov.uz>
- 4.5. <http://www.norma.uz>
- 4.6. <http://www.stat.uz>
- 4.7. <http://www.iiv.uz>
- 4.8. <http://www.tsul.uz>
- 4.9. <http://www.law.uk.edu>
- 4.10. <http://www.juristlib.ru>
- 4.11. <http://www.crime-research.ru>
- 4.12. <http://www.legislationonline.com>